



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 639.47.48
Қўлёзма ҳуқуқида

РАСУЛОВ ҒАЙРАТ ПАРДАЕВИЧНИНГ

**“ПРЕЗИДЕНТ И. А. КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ ХОТИРА
ВА МЕРОСНИ ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИ” МАВЗУСИДА**

**5А 220201-Ўзбекистон тарихи мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун тақдим этилган**

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Иш кўрилди ва ҳимояга рухсат берилди.

Магистратура бўлими бошлиғи:

т.ф.н. Э.Қобилов

Илмий раҳбар:

т.ф.н. Ў.Худойкулов

Термиз-2013

	М У Н Д А Р И Ж А	
	КИРИШ.....	
I Боб.	ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МЕРОСНИ ТИКЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ – МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	
1.1.	Тарихий хотира ва тарихий мерос тушунчаларининг илмий-назарий таҳлили.....	
1.2.	Мустақилликкача бўлган даврда тарихий хотира ва маънавий меросга муносабатнинг назарий тарихий таҳлили.	
1.3.	Ўзбекистон ҳаққоний тарихини яратишнинг назарий ва амалий масалалари.	
II Боб.	ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ, ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ТАРИХИЙ МЕРОСНИ ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.	
2.1.	Президент И.А.Каримов асарларида Ўзбек давлатчилиги масалалари.	
2.2.	И.А.Каримов асарларида буюк саркарда соҳибқирон А.Темур сиймосига муносабат.	
2.3.	Тарихий ёдгорликларни, қадриятларни тиклаш ва тарихий шахслар хотирасини абадийлаштириш масалалари.	
III Боб.	ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИ ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	
3.1.	Президент И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида тарихий воқеликка муносабат.....	
3.2.	“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг тарихий аҳамияти.....	
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистонда янги демократик фуқаролик жамияти барпо этилиши билан бир вақтда, тарих фани олдида ўтмишдаги тарихий воқелик ва жараёнларни илмий жиҳатдан, ҳолисона баён этиш имконияти юзага келди. “Албатта, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур”¹. Тарихни ёритишда бирёқламаликка, субъектив фикрларга йўл қўймаслик зарур, «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»².

«Халқнинг маънавияти ва маданияти, - дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»³. Дарҳақиқат, мустақиллик даврида Ўзбекистонда содир бўлаётган маънавий-ахлоқий янгиланиш ўзбек халқининг тарихий хотирасини қайта тиклаш асосида юз бермоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси кўп жиҳатдан иқтисодий ва маданий – маънавий соҳа янгиланишлари билан бевосита боғлиқ. Шахс камолоти ривожига ва марказида «маънавият, ахлоқ, одоб, маърифат» каби ўлмас қадриятлар туриши лозимлиги ХХІ аср Ўзбекистон истиқболининг устувор йўналишларидан бири сифатида тан олинганлиги ҳолати ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида Ватан тарихини барча давларини таҳлил этиш, уларни янги назарий-методологик асосда баён қилиш, ҳолис хулосалар чиқариш — тарих фанининг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

Шунингдек, И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ етакчи

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 134-бет.

² Каримов И.А. Ўша асар. 134-бет.

³ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.З Тошкент: Ўзбекистон. 1996. Б.27.

тарихчи олимлар ва ижодий зиёлилар вакиллари билан учрашувида⁴, Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини Президент И.А.Каримовнинг “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида ҳам тарих бўлган муносабатлар ёндашуви етарлича ёритиб берилган⁵.

Маълумки, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда тарихий хотира ва тарихий мерос ҳамда маданий-маънавий тараққиётнинг барча жараёнларида коммунистик партия мафкураси ҳукмронлиги таъминланиб «буюк давлатчилик» сиёсати жорий қилиб борилди. Ушбу сиёсат иқтисодий ва маданий – маънавий ва халқ таълими тизими, адабий-бадий муҳит, миллий санъат масалалари шу билан бир қаторда маданий-оқартув муассасалар тизимида ҳам тўла ўз аксини топди.

Маданий - маънавий соҳага, асосан, мафкуравий таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси деб қаралган маъмурий буйруқбозлик тузуми шароитида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, халқ маорифи, миллий кадрлар тайёрлаш, адабий-бадий муҳит, маданий-оқартув муассасалари ва миллий қадриятлар масаласида жиддий таназзул юз берди. Ўқувчи ёшларнинг маънавиятини шакллантириш вазифаси эътибордан четда қолдирилди. Таълим тизимида миллий ғояларнинг инкор этилганлиги, тарбия муассасаларида ҳур фикрлилик ва эркинликнинг мавжуд бўлмаганлиги оқибатида таълим-тарбия самарадорлиги даражаси пасайиб борди. Маданият соҳаси, жумладан, халқ таълими, маданий-оқартув муассасаларининг бир ёқлама ривожлантирилиши, режалаштиришдаги нуқсонлар, бошқарув ва хўжалик юритишдаги маъмурий-мафкуравий усуллар ҳамда маданий муассасалар ишини ўзбек халқи миллий хусусиятларига ёт бўлган ғоялар асосида ташкил этилиши, Ўзбекистонда маданий соҳасининг ривожига

⁴ Халқ сўзи. 1996, 19-сентябр, 1996. 17-декабр.

⁵ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., Шарқ. 1998.

тўскинлик қилди.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, технократик жараёнлар ҳар қанча қудратли ҳаракат касб этмасин, бу ҳаётни олдинга бошлайдиган, унга маъно-мазмун бахш этадиган куч барибир маданият ва маънавият бўлиб қолаверади. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир миллат учун тарихий хотира ва меросни тиклаш - энг долзарб ва устувор вазифалардан биридир. Чунки, тарихий хотира ва мерос миллий тарбияни шакллантирадиган асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи ўта долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилаётган экан, бунда фарзандларимизнинг наинки жисмоний, шу билан бирга, ахлоқий ва маънавий баркамол бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланаётганини унутмаслигимиз зарур. Чунки қалб кўзи очик, маънавий томондан бақувват одамгина жамият талабларига онгли муносабатда бўла олади, бугун биз интилаётган буюк келажакни барпо этишга, дунё майдонида бошқалар билан барча соҳаларда мусобақага киришга қодир бўлади. Бунга эса миллий ўзликни англаш, тарихий хотира ва тарихий меросни тиклаш ҳамда ёшлар онгига сингдириш орқали эришиш мумкин. Президент И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва тарихий меросни тиклаш масалалари етарлича ёритилган ва жамиятнинг маънавий ривожига учун зарур эканлиги таъкидланган. Бу мавзунинг долзарблигини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, Президент И.А.Каримов 2013 йил 9-май куни хотира майдонида журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда яна бир бор таъриф берди. “Тарихий хотира – бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни

топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир»⁶ деб таъкидлаб ўтди ва бу сўзлар ўз навбатида мавзунинг долзарблик жиҳатини яна бир қарра тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Мазкур магистрлик диссертациянинг даврий чегараси Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиш арафасидан яъни 1989 йилдан бугунги кунга қадар сўзлаган нутқлари ва яратилган барча асарлари асос қилиб олинган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Танланган мавзунинг тарихшунослиги тахлили шуни кўрсатадики, мустақиллик йилларида Президент И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва тарихий меросни тиклаш масалалари ёритилиши ижтимоий-гуманитар соҳа олимларининг доимий диққат марказида турган ва мазкур мавзунинг илмий жиҳатдан ўрганиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Президентимиз ҳар бир ўзбек фарзанди «менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган»⁷ деган саволларни ўзига-ўзи бериши кераклигини қайта-қайта уқтиради. Бу масалада «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми?»⁸ деган зарурий саволни беради ва Шўролар даврида, ўзгалар ёзиб берган сохта ғоялар асосидаги тарихни қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди. Янгидан шаклланаётган мустақил Ўзбекистон давлати бошида турган инсон сифатида Президентимиз бу ишга жонини, борлигини беришга тайёрлигини таъкидлайди. Бу масаланинг ечимини нафақат Президент, балки бутун халқ билишни истаётганлигини айтади.

Шундан келиб чиққан ҳолда Президент И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва тарихий меросни тиклаш масалалари ёритилиши Республика миқёсида ўтказилган бир қатор илмий амалий конференция материаллари ва бир қатор ижтимоий-гуманитар соҳа олимларининг илмий

⁶ www.gov.uz

⁷ Каримов И.А. Ўша асар. 136-бет.

⁸ Каримов И.А. Ўша асар. 137-бет.

изланишларида ёритиб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб “Маънавият – жамият тараққиётининг бош мезони” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси, Н.Жўраев, Т.Файзуллаевларнинг “Мустақил Ўзбекистон тарихи”, С.Ҳ.Носирхўжаев, М.Ф.Лафасов, М.З.Зарипов “Маънавият асослари” ўқув қўлланмаси каби асарлар билан бир қаторда интернет саҳифаларида ҳамда Нарзулла Жўраев, Назира Абдуазизова, Холмурод Хидиров, Даврон Муитов, Абдусалом Умаров, Бобокатта Шодиев, Дилором Ҳикматова, Қиёмиддин Назаров каби бир қатор олимлар асарларида ҳам мавзуга оид бир қатор ишлар амалга оширилган. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази Президент Ислон Каримов асарлари биографияси тузиб чиқилган. Аммо юқорида бажарилган ишлар мавзунини тўлиқ очиб беришга етарли эмас. Бугунги кунда Президент И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва мерос масалалари ёритилган қисмларини халқ оммасига тушунарли тарзда етказиш долзарб вазифалардан биридир.

Магистрлик диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертация мавзуси ва қўйилган масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, тадқиқотнинг мақсади — Президент И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва тарихий меросни тиклаш масалалари ёритилиши асосида тарихий хотира ва мероснинг мустақилликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ўрнини белгилаш ва бу мавзуга доир барча асарларни таҳлил қилиб, олинган хулосаларни ягона тизимга бирлаштириш ҳамда алоҳида қўлланма сифатида чоп этиш орқали тарихий хотира ва меросни тиклашнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдиришдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг асосий мақсадидан келиб чиқиб

унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Президент И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва тарихий меросни тиклаш масалалари ёритилишини ўрганиш ва унинг жамият ривожигаги ўрнини таърифлаш;

- Тарихий ёдгорликларни тиклаш ва тарихий шахслар хотирасини абадийлаштириш масалалари юзасидан амалга оширилган ишларни ўрганиш;

- Миллий урф-одат, анъана ва диний кадриятларнинг советлар ҳукмронлиги йилларида Ўзбекистон миқёсидаги аҳолини кўрсатиш ва қиёсий таҳлил этиш;

- Президент И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва тарихий меросни тиклаш масалалари ёритилиши орқали Ўзбекистон ҳаққоний тарихини яратишнинг назарий ва амалий масалаларини ёритиш.

Ўрганилган манбалар таҳлили натижасида чиқарилган хулосалар ва таклифлардан мустақиллик шароитида Президент И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва тарихий меросни тиклаш масалалари ёритилиши орқали ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашадиган тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Тадқиқотнинг манбавий асослари сифатида Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидаги тарихий хотира ва меросни тиклаш масалаларига доир жиҳатлари ушбу диссертацияни яратишда ўзига хос қўлланма бўлиб хизмат қилади. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бугунги кунга қадар яратилган мавзуга доир Президент И.А.Каримов асарлари ва бир қатор олимларнинг асар ҳамда мақолалари муҳим манба ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Тадқиқотнинг объекти сифатида Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва унда ёритилган тарихий хотира ва меросни тиклаш масалаларига доир жиҳатлари асос қилиб олинган.

Магистрлик диссертациянинг назарий-услубий асослари. И.А.Каримовнинг асарларидаги тарихий хотира ва меросни тиклаш масалаларини ёритишга диалектик ва ҳаққонийлик тамойили асосида

ёндошилди. Диссертацияда белгиланган вазифаларни баён этишда Ўзбекистон тарихининг янги методологик концептуал тамойилларига таянган ҳолда тарихийлик, илмийлик, холислик, қиёсийлик, узвийлик каби тамойилларга асосланди.

Шунингдек, диссертацияни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш» ва 1998 йил 27 июлдаги «ЎЗР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ва уларда қўйилган вазифалар назарий-услубий асос ҳисобланади. Айниқса, Президент И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида ва «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавоблари⁹ асосий дастурал амал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг муҳим назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, хусусан асарларидаги тарихий хотира ва меросни тиклаш масалаларини ёритиш йўл-йўриқлари ташкил этади.

Тадқиқотда тарихий-таққослаш ва статистик таҳлилга алоҳида эътибор берилиб, адабиётлар, бажарилган илмий тадқиқот ишлари ҳозирги давр талаблари асосида ўрганиб чиқилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- биринчидан, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидаги тарихий хотира ва меросни тиклаш масалаларига алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги;

иккинчидан, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидаги тарихий хотира ва меросни тиклаш масалаларига ўзига хос жиҳатлари чуқур тадқиқ этилмаганлиги.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишда бугунги кун тарих фани олдида қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, Президентимиз

⁹ Каримов И. А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 32 бет.

И.А.Каримовнинг асарларидаги тарихий хотира ва меросни тиклаш масалалари илк маротаба таҳлилий нуқтаи назардан тадқиқ қилинди.

Магистрлик диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти. Бу диссертациядан тарихий хотира ва меросни тиклашнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда, университет, академик лицей ва касб хунар коллежларида Ўзбекистон тарихининг айти шу мавзунинг ёритишда қўшимча маълумот сифатида, шунингдек, махсус ихтисослашган мактабларда, махсус курсларда, дарслик ва қўлланмалар тайёрлашда, Ўзбекистон тарихи каби фундаментал асарларининг ёзишда манба бўлиб хизмат қилади.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясида Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидаги тарихий хотира ва меросни тиклаш масалалари хронологик жиҳатдан таҳлил қилиб ёритилди. Ўзбекистоннинг яқин ўтмишидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг ёритилиши, И.А.Каримов асарларида буюк саркарда соҳибқирон А.Темур сиймосига муносабат, тарихий ёдгорликларни тиклаш ва тарихий шахслар хотирасининг абадийлаштириш масалалари, Президент асарларидаги тарихий, мантиқий таҳлил асосида ёритиб берилган.

Тадқиқот апробацияси. Магистрлик диссертация мавзуси Термиз давлат университети Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедрасида муҳокама этилиб, ҳимояга тасия этилган. Диссертацияда кўтарилган асосий ғоялар бир қатор конференция ва симпозиумларда, Термиз давлат университети профессор – ўқитувчиларининг анъанавий йиллик конференцияларида доклад қилинди ва мавзу бўйича чоп этилган мақола ва доклад тезисларининг чоп этишда илмий муҳокамадан ўтди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Магистрлик диссертация юзасидан жами 2 та иш эълон қилинган. Жумладан, диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 2 та мақолада ўз аксининг топган. Диссертациянинг асосий манбалари ва унинг бобларида келтирилган асосий ғоялар Республикамизда чоп этиладиган журнал ва илмий тўпламларда нашр этилган мақолаларда ўз аксининг топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса қисмдан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 82 бетни ташкил этади.

I Боб. ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МЕРОСНИ ТИКЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ – МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1.Тарихий хотира ва тарихий мерос тушунчаларининг илмий-назарий таҳлили.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти даврида халқимиз тарихи, унинг тарихий хотира ҳамда маданий меросига бўлган катта қизиқиш табиий бир ҳолдир. Бу биринчидан, ўтмишсиз келажакни асло тасаввур этиб бўлмаслиги, иккинчидан, халқимиз ўтмишини, моддий ва маънавий бойликларини ўрганишда, тарғиб қилишда ҳозиргача мавжуд бўлиб келган ҳар қандай қотиб қолган ва ноҳолис қолиплар, империал ва тоталитар фикрлашлар ва ёндошувлардан воз кечишнинг талаб қилинаётганлиги билан характерланади. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон миллий мустақилликни кўлга киритиш арафасидаёқ, Республикага И.А.Каримов раҳбар бўлган даврдан бошлаб тарихий хотира ва меросни тиклаш масалаларига бўлган эътибор тубдан ўзгарди.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тикланишга йўл очилди. Жамият маънавиятини тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислохотларнинг йўналишлари белгилаб олинди. “Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин. Аммо, маънавий ислохотлар – қуллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш – бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда”¹⁰.

Тарихий мерос қадим замонлардан бери аجدодларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган тарихий бойликлар – меъморчилик обидалари, хунармандчилик соҳалари, сиёсий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир. Тарихий

¹⁰ Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Асарлар, 1996 й 202-бет.

мерос инқилобий йўл билан ҳосил қилинадиган ҳодиса эмас, у жамият тараққиётининг барча босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзага келади ва давр ҳаётини акс эттиради, у жамият ўзгариши билан йўқолиб кетмайди, кейинги авлодлар учун маънавий мерос бўлиб қолади.

Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аجدодлар тарихини билишнинг, миллий-ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Президент И.А.Каримов 2013 йил 9 май куни хотира майдонида журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда тарихий хотира тушунчасига яна бир бор ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда таъриф берди.

“Тарихий хотира – бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир”.

Тарихий хотира-миллий ғурур ва ифтихор ҳиссининг заминларидан биридир. Миллат ва элатлар узоқ даврда тарихан таркиб топади. Ана шу давр уларга ўзлигини англаш, тили, маданияти, урф-одатлари, маънавиятини вужудга келтириш учун талаб этилади. Тарихий хотира миллатни ана шу ўтмишини билишни, уни таҳлил этишни, тарихдаги ўз ўрнини асослаб беришни талаб қилади. Ўз ўтмишини билмаган халқда миллий ғурур бўлмайди. Яъни у бошқа миллатларга сажда қилади ва шу тариқа ўзини камситади. Миллатнинг тарихий хотираси қанчалик бой мазмунли ва узвий боғланган бўлса бу миллат шунчалик уюшган, тадбиркор, ҳаракатчан ва ҳамжиҳат бўлади. Ундай миллат ўз аجدодлари шаънига ярашадиган ишларни бажаришга ҳаракат қилади. Ҳозирги замон миллатларнинг ўзаро ижобий ва ижодий мусобақаси даври. Масалан, унча йирик бўлмаган голландлар, шведлар, финлар, данияликлар, корейслар кўп соҳада ҳаммани лол қолдирмоқда. Чунки уларда энг аввало тарихий хотира кучли. Ўз тарихини

чукур билади ва унга содиқ. И.Каримов «Биз 3000 йиллик тарихга эгамиз» деб кўп айтган. Шунинг учун қадимий тарихимизни чукур ўрганишимиз, Амир Темур, Бобур, Навоий каби улуғлар шаънига мос ишларни қилишимиз, бугунги миллий тараққиётнинг асосий мақсадидир. Тарихдан маълумки, ҳар қандай босқинчи энг аввало халқнинг тарихий хотирасини йўқотишга ҳаракат қилади. Бизда ҳам Чор Россияси ва Шўролар даврида шу сиёсат олиб борилди. Тарихий хотираси йўқ халқ оддий буйруқ бажарувчи хизматкор оммага айланади. Шунинг учун ҳам И. Каримов тарихий хотирани тиклашга, тарих билан халқни қуроллантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Чиндан ҳам, тарихий хотира одамни беғамлик ва бефарқлик туйғусидан уйғотади, унинг ғафлат ботқоғига ботиб қолишига йўл қўймайди. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобига мурожаат қилиш жоиз, деб ўйлаймиз. Ушбу китобдан ўрин олган, 1990 йил 5 июнда республика миқёсидаги катта бир мажлисда мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган, чукур сиёсий мазмунга, дастурий аҳамиятга эга бўлган маърузанинг “Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан” деб аталиши бунга яққол тасдиқлайди.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, бундан 22 йил олдин сўзланган ўша маърузада ушбу диссертацияда тилга олинаётган энг муҳим масалалар, яъни тарихга ҳурмат билан қараш, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, азалий урф-одат ва анъаналарни, миллий тилни асраб-авайлаш, миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, миллатчилик, шовинизм, “оммавий маданият” кўринишларига қарши курашиш, байналмилал тарбияни кучайтириш, ёшларга ҳал қилувчи куч сифатида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, Қуролли Кучларга муносабат каби ўнлаб масалалар ўзининг ҳар томонлама чуқур таҳлилини топганини ва бу масалалар бугунги кун билан нақадар ҳамоҳанг эканини яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида эса тарихий хотира ва тарихий меросни тиклашнинг яхлит концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепция ватанимиз тарихига, миллий меросимизга бўлган ҳурмат эътиборни шакллантиришга,

ёш авлодни тарихимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга ва фуқароларимизда ватанпарварликни, бунёдкорлик ҳисларини кучайтиришга йўналтирилганлиги, ўзбек халқининг бой тарихий меросининг умумбашарий аҳамиятини кўрсатишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Президент И.А.Каримов томонидан тарихий хотира ва меросни тиклаш борасида илгари сурилган янгича концептуал ғоялар ва уларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши мустақиллик йилларида жамият маънавий ҳаёти тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тарихий хотира, маданий мерос ва унга муносабат концепцияси ишлаб чиқилиши, унинг моҳияти ва тарихий аҳамиятини очиқ бериш, тарихий-маданий меросни англаш ва унинг янгиланаётган жамият маънавий асоси сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш ижтимоий соҳада қалам тебратаётган ижод аҳли, олимлар ва тадқиқотчилар олдида турган долзарб масалардан биридир.

Президент И.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” ва “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида ҳамда инсоният цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва тарихий шаҳарларимиз юбилейларига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқ ва маърузаларида тарихий-маданий меросга янгича муносабат концепцияси ишлаб чиқилди ва унинг жамият ҳаётида тутган аҳамияти асослаб берилди. Юртбошимиз томонидан миллий, тарихий ва маданий меросга эътиборнинг қаратилиши, халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, бебаҳо фалсафий ва маънавий бойликларини ўрганиш заруриятининг асослаб берилганлиги миллий маънавиятимиз такомилида асосий ўрин тутди.

Тарихий хотира ва меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб қилишнинг, Президентимизнинг “Биз, тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз ва бутун дунё учун ҳам қайта тиклаяпмиз” деган фикрининг моҳияти, миллий ва умумбашарий аҳамияти, тарихий-маданий меросга муносабат концепциясида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги масаласининг акс этиши муаммоси келгусидаги ижтимоий фанлар соҳасида янги йўналишларга,

тадқиқотларга осос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки, тарихий-маданий меросимизнинг тикланиши жамиятимизни янгилаш ва ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Тарихий хотира ва меросни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарблиги, назарий ва амалий аҳамияти, энг аввало, унинг Ўзбекистонда мустақил миллий давлатнинг шаклланиши ва тараққиёт характери, моҳияти билан боғлиқлигидир. Ҳозирги даврда тарихий, маданий қадриятлар асосида шаклланаётган янги мафкура ўз навбатида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёт, инсон қадриятлари ўтмишда қандай кечганлигини яна бир бор таҳлил ва мушоҳада этиб кўриш зарурлигини тақазо этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги долзаб муаммолардан бири ўзбек халқиининг тарихий-маънавий меросини тиклаш ҳамда уни янада камол топиши учун шароитлар яратиш, бу жараённинг қонуний асосларини барпо этиш зарур эди. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида «Ўзбекистонининг миллий-маданий жиҳатдан турли ранг-баранглиги, миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда яшаши, уни кучли жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилиши ва республиканинг жаҳон ҳамжамятига қўшилиши учун асосий шароитни вужудга келтиради», деб алоҳида таъкидлаган эди.

Ўзбекистон мустақил тараққиётга қадам қўйгандан буён ўтган йиллар давомида маънавий соҳада юз берган ўзгаришлар халқнинг узоқ йиллар мобайнида тўплаган бой тарихий-маданий меросга эътиборнинг кучайиши бўлди. Тарих кишини истиқболга даъват этиб, улкан яратувчанликка рағбатлантиради. Мустақиллик даврида маънавий қадриятларимиз, улуғ аждотларимизнинг муборак номлари ҳамда маданий меросни ўрганиш, тарихий шахслар ҳурматини жойига қўйиш ҳамда миллий урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш асосида ҳамда ўзликни англаш ва шу орқали миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш тамойиллари ишлаб чиқилди. Собик империя ва советлар истибдоди замонида топталган маънавий меросимиз

мустақиллик йилларида кадр топди. Жаҳоншумул ишлар амалга ошириб, бой тарихий, миллий мерос қолдириб кетган аجدодларимиз муносиб кадр топиб, уларнинг хотираси абадийлаштирилмоқда.

ЮНЕСКО 1972 йилда «Жаҳон маданий ва табиий меросини сақлаш тўтрисида» Конвенция қабул қилган эди. Бу ҳужжатда биринчи марта дунё халқларнинг бутун жаҳон меросини ташкил этувчи бую аҳамиятга эга айрим табиий ва маданий меросларни сақлаш ва авайлаб асраш учун жаҳон халқлари масъулликам чақирилган эди. Ўзбекистон бу ҳужжатни 1993 йилда ратификация қилган эди. Ўзбекистон бўйича тўртта маданий-тарихий объект-Хива шаҳридаги Ичан-Қалъа, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари «Бутунжаҳон мероси» рўйхатига киритилган эди.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг (1997 й), Шаҳрисабз (2002 й), Қарши (2006 й), Самарқанд (2007), Марғилон (2008 й), Тошкент (2009 й) шаҳарларининг умумбашарий тараққиёт тарихида бекиёс ўрин эгаллайдиган улуғ аجدодларимиз ва тарихий шаҳарларимиз юбилейларининг кенг миқёсда нишонланиши, улуғ алломаларимиз меросини ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар нафақат миллий тарихимиз, тарихий-маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини тасдиқлайди. Мустақиллик йилларида аҳолининг онг-тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик мафкура ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди. Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамияти интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда қурадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислохотлар муқаррарлигининг ишончли қафолатидир.

1.2. Мустақилликкача бўлган даврда тарихий хотира ва маънавий меросга муносабатнинг назарий тарихий таҳлили

Истиқлол туфайли юртимизда тарихий адолат қарор топди, тарихга муносабат ўзгарди. Топталган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Азиз-авлиёларимизнинг муборак қадамжолари обод гўшаларга айлантирилди. Ватанимиз озодлиги йўлида жонини жонини фидо этган юртдошларимиз руҳини шод этиш, номларини абадийлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан бой тарихимизни тиклаш борасида амалга оширилган айрим тадбирлардан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- 1998 йил июль – Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Айнан шу қарорга кўра, Я.Ғуломов номидаги Ўзбек давлатчилиги тарихи анъанавий илмий анжумани ташкил этилди ва бу анжуманда тарихимизнинг кўплаб ўрганилмаган саҳифаларига аниқлик киритилмоқда;

- 1999 йил 9 майда – Хотира ва қадрлаш куни илк бор нишонланди.

- 1999 йил 22 июлда – «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди;

- 2000 йил 12 майда – «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилди;

- 2001 йил 31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни деб эълон қилинди ва 2002 йил 31 августда «Қатағон қурбонлари хотираси» мезеи ташкил топди.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва юксалтириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантиришга хизмат қилади.

Жамият маънавияти мамлакат барқарорлиги тараққиётининг муҳим шарти ва кафоллатидир. Бирон-бир мамлакат ўз маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай, халқнинг миллий руҳини уйғотмай ва мустаҳкамламай туриб, юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. Маънавий инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, унинг ички оламини бойитадиган, иймон-иродасини, эътиёдини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган кудратли кучдир.

Тарих гувоҳлик берадики, мамлакатимиз бир неча бор ажнабий босқинчилар ҳужимида дучор бўлган, қарамлик зулми остида қолган даврлар ҳам бўлди. Бунинг оқибатида халқимизнинг бой маънавий мероси, урф-одатларини қадрсизлантиришга уринишлар бўлди. Айниқса, сўнгги мустамлакачилик, советлар тузими даврида миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз оёқости қилинди. Она тилимиз, бой маънавий меросимиз қадрсизлантирилди, кўплаб масжид-мадрасалар, миллий мактаблар, тарихий ёдгорликлар бузилди, қаровсиз қолди. Аждодларимиз етиштирган алломаларимиз идеалист деган ёрлик билан қораланди, асарларини унутиш, йўқотиш сиёсати юритилди. Ислон дини кадриятлари, мусулмонларнинг эътиқодлари оёқости қилинди, руҳонийлар қувғин қилинди. Мустабид тузум ҳукмдорлари маданий инқилоб шиори остида ўзбек халқининг юзлаб иқтидорли, миллий озодлик учун курашган ватанпарвар зиёлиларини, истиқлолчи фарзандларини сиёсий қатоғон қилди, уларнинг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинди.

Эски тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб, одамлар онгига сохта, ноинсоний ғояларни сингдиришга уринарди. Тарихимизни сохталаштириш, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатиш, миллий туйғуларни кўпол равишда камситиш сиёсати юритилди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди. Мустақилликкача бўлган даврда тарихий хотира ва маънавий

меросга муносабатни қиёсий таҳлил қилиб кўрайлик. Маълумки, табиат ва жамиятдаги барча ўзгаришлар биринчи навбата инсон феъл-атвори, руҳияти, менталитетида ўз таъсирини қолдиради. Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришуви ва ўтган 22 йил халқимизга узок ва яқин ўтмиш асоратларидан кутулиш ялпи тикланиш, умуммиллий маънавий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохатларни амалга ошириш имконини берди. Шунингдек, бу йиллар халқимизга жонажон Ватанимиз мисли кўрилмаган даражада ривожлантириш ялпи соғломлаштириш, миллий бир бутунликни таъминлаш, сиёсий ва маънавий яхлитликни таркиб топтиришга йўл очди.

Президентимиз томонидан амалга оширилган ислохатлармамлакатимизни дунёнинг ривожланган давлатлар қаторига киритишдан иборат буюк мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилгандир. Бу йўлда катта қадамлар қўйилди. Илгари бизни қарам қилган халқларнинг ҳудудлариэндиликда биз ишлаб чиқараётган замонавий саноат маҳсулотлари учун бозорга айланиб қолди. Юртбошимиз ҳар қандай тараққиёт инсон манфаатларига қаратилиши унинг маънавий бутунлигини таъминлаши зарурлигига доимий эътибор бериб келмоқдалар. Бундай кенг қўламли иқтисодий ижтимоий-сиёсий жараёнларини тадрижий тарзда амалга оширишда яъни, анъанавий азалий анъаналаримизга, бугунги миллий тараққиётимизга хизмат қиладиган халқимизнинг урф-одатлари, тили, дини, руҳиятига, қисқача айтганда, дунёқараши ва тафаккурига асосланиш бўлса, иккинчиси – умуминсоний қадриятларга таяниб иш тутилди.

Ўтган 22 йиллик ўзгаришлар тизимидаги энг муҳим ижтимоий-маънавий ютуқларимиздан бири – бу шубҳасиз мамлакатимизнинг барча соҳаларида мақсад ва режа, сўз ва иш бирлигига, эришилгандир. Одамлар давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохатларнинг тўғрилигига тўлиқ ишонч билан қарай бошладилар, бу эса барқарор тараққиётимиз суръатида муҳим омил бўлмоқда.

Агар ана шу ўзгаришларни кечаги ва бугунги кунимиз ҳолати нуқтаи назаридан таққосласак, масала кундай равшанлашади. Қуйида ўтган 22 йил

мобайнида ҳаётимизда эришилган позитив ўзгаришлар манзараси тоталитар тузум даври билан қиёсий таҳлил этилиб эътиборингизга ҳавола этилмоқда.¹¹

№	Шўролар даврида	Истиқлол даврида
1.	Миллатларни ўз тарихий хотирасига эга қилмаслик сиёсати	Халқни ўз тарихий хотираси эга қилиш сиёсати
1.1	Халқларни ўз миллий анъаналари ва урф-одатларидан бегоналаштириш сиёсати	Халқимиз миллий анъана ва байрамларининг расмий, миллий байрамлар сифатида эъзозланишига эришилганлик
1.2	Халқларнинг миллий қаҳрамонларини ўз халқ тарихий хотирасидан чиқариб юбориш ҳаракати	Халқимизнинг ўз миллий қаҳрамонларидан фахрланишлари ва ғурурланишига эришиш
1.3	Коммунистик ғояларга асосланувчи сохта сиёсий ғурурни шакллантириш ҳаракати	Халқ тарихи, маданияти, этник ўзлиги ва улуг мақсадларига асосланувчи миллий ғурур тарбиясининг йўлга қўйилиши
1.4	Халқларни ўз миллий цивилизациясидан маҳрум этишга уриниш, миллатларни ижтимоий манқуртлаштириш сиёсати	Халқимизнинг умумжаҳон цивилизациясига қўшган буюк хизматларининг дунё ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилиши
1.5	Шахснинг алоҳидалиги ва ўзига хослиги намоён бўлмайдиган жамоавийлик (коллективизм) тарғиботи	Шахснинг алоҳидалиги, бетакрорлиги ва ички салоҳиятига тўла намоён бўлувчи жамоавийлик тарбияси
1.6	Тобе халқларни ҳарбий соҳалардан четда сақлаш, ўз миллий армиясига эга қилмаслик сиёсати	Ўзбекистоннинг ҳарбий жиҳатдан мустаҳкам, ўз миллий қуроли кучлари билан чегаралари дахлсизлигини тўла таъминлашга қодир, мудофаа салоҳияти юқори давлатга айланиши
1.7	Юрт қайғуси билан яшаган, ватан озодлиги йўлида курашган миллий қаҳрамонларимизнинг ялпи қатағон қилиниши, ҳур фикрлилик, ижод эркинлигининг буғилиши	Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган қаҳрамонларнинг юксак даражада эъзоз топиши уларнинг шаҳид бўлган рухлари улуғланиши, ҳур фикрлилик ва ижод эркинлигининг тикланиши
1.8	Шўролар даврида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти учун нотаниш бир чекка ўлка	Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти томонидан улкан интеллектуал, маданият, туризм

¹¹ Республика илмий -амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент. 2011 й. 41-бет

	сифатида географик харитада қайд этилувчи ҳудуд эканлиги, халқаро анжуман ва йирик тадбирлар ўтказилмайдиган макон бўлганлиги	ва спорт соҳаларида юксак салоҳиятга эга мамлакат сифатида эътироф этилиши, юртимизнинг турли соҳалар бўйича йирик халқаро анжуманларни мунтазам ўтказувчи давлатга айлангани
2	Давлат ва колхоз кооператив мулкидан бошқа мулкни ривожлантирмаслик сиёсати	Давлат, хусусий ва жамоавий мулклар тенглиги асосидаги ривожланиш сиёсати
3	Ўрта синфни қораловчи давлат сиёсатининг юритилиши	Ўрта синфни қўллаб-қувватловчи давлат сиёсатининг амал қилиши
4	Ўзбекларга «иккинчи сорт» халқ сифатида ёндашиш сиёсати	Ҳеч кимдан кам бўлмаган миллат сифатида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш сиёсати
5	Ватан тушунчасининг сохталаштирилиши, собиқ иттифоқ ҳудудини ватан деб талқин қилиш	Миллий, ижтимоий, маданий ва давлатчилик анъаналари шаклланишининг
6	Сохта миллий давлатчилик рамзларининг фақат ҳудудий фарқланиш белгилари сифатида талқин этилиши ва уларнинг халқаро муносабатларда умуман тан олинмаслиги	Халқимизнинг ҳақиқий миллий давлатчилик рамзлари-герб, байроқ, мадҳия, конституция, президентлик институтларининг дунё жамоатчилиги томонидан тан олиниши
7	Миллий тилларнинг камситилиши ва аста-секин бошқа йирик тилга ассимиляция бўлишининг рақбатлантирилиши	Халқимизнинг ўз миллий тилининг расмий давлат тили сифатида амал қилиши ва ривожланишининг давлат сиёсатига айланиши
8	Тоталитар тузум мафкурасининг аҳоли онига тазйиқий тарзда сингдирилиши, дунёқарашнинг режали бошқарилиши	Миллий истиқлол ғояси асосида миллий бирлашувга эришилганлик, одамлар дунёқарашининг маънавий-маърифий омиллар орқали бойитилиши
9	Тарихий ёдгорликлар, маданий обидаларнинг бузиб ташланиши, нодир қўлёзмаларнинг китобларнинг ёқиб ташланиши	Тарихий-маданий обидаларнинг қайта тикланиши, нодир қўлёзмалар, китобларнинг миллий қадрият сифатида эъзозланиши
10	Минг йиллар мобайнида амал қилиб келган Осиё ва Европа мамлакатларини боғлаб турган Буюк ипак йўлининг бузиб	Буюк ипак йўлининг қайта тикланиши ва унинг фаол ишлай бошлаши учун замонавий автомобиль ва темир йўллари

	ташланиши	ҳамда ҳаво магистралларининг барпо этилиши
11	Диний эътиқоднинг ҳар томонлама буғилиши, атеистик тарбиянинг давлат сиёсатига айлантирилиши, диндорларнинг таъқиб этилиши ва қатағон қилиниши	Виждон эркинлигини тўла таъминланиши, диний эътиқодга, барча конфессиялар фаолиятига тенг йўл берилиши, Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти унвонига мушарраф бўлиши
12	Миллатчилик ва шовинистик кайфиятнинг гоҳ ошкора гоҳ яширин тарзда амал қилиб туришининг одатий тус олиши	Миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам берилиши ва миллатлараро тотувлик, иноқлик руҳининг барқарор амал қилиши

Шўролар тузими ва истиқлол давримизнинг қиёсий таҳлили шундан яққол далолат бериб турибдики, ҳаётимиз тубдан ўзгарди, энди турмушимизни янги ижтимоий ўлчовлар билан қиёслай бошладик. Илгариги пайтларда одамлар «Бу кунлар ҳам ўтиб кетар», «Ёруғ кунлар ҳам келар», «Ҳайрият, яна бир кун ўтди», деб кўрқув, хавотир ҳамда ноилож умид орасида яшаб келган бўлсалар, энди одамлар «Шундай кунлар ҳам бор экан-ку», «Ҳаётимиз кундан-кунга фаровонлашиб бормоқда», «Истиқлолимизга кўз тегмасин», «Бахтли, саодатли ҳаётимизнинг ташаббускори юртбошимиз омон бўлсин» деган сўзларни миннатдорчилик билан изҳор этмоқдалар. Дарҳақиқат, бугун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси «Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?» - деган саволни ўзига бериб, шукронали туйғусини ҳис қилмоқда.

1.3. Ўзбекистон ҳаққоний тарихини яратишнинг назарий ва амалий масалалари

Янги тарихий давр маърифат даври сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Истиклол ғоялари асосида бош ислохотчилик вазифасини бажараётган давлат одамлар онги ва тафаккурида туб бурилишлар ясаш, ҳар қандай ислохотларни фуқоролар онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказиш йўлини танлади. Ана шу йўл одамларнинг ўтмишга, тарихга бўлган мунособатини янгилаш орқали аста-сепенлик билан уларни маърифатли, комил инсон қилиб вояга етказиш мумкин. Ўзбекистоннинг Мустақиллик даври тарихи мазмун-моҳиятига кўра илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 16 декабрдаги Фармонида кўра «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр қилиш ҳақида» қарор қабул қилинган. Унга кўра Ўзбекистон тарихини яратишда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратилди:

— халқимиз ўтмишидаги миллат тақдири билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни чуқур илмий тадқиқ этиш ва ҳолисона ёритиш;

— Ўзбекистон халқининг буюк тарихий меросга эга эканлиги ва умумбашарият қадриятларига муносиб ҳисса қўшганлигини эътироф этган ҳолда, ўзига хос давлат қурилиши анъаналари ва уларга нисбатан фикрлар, қарашлар хилма-хиллиги мавжудлигини ҳисобга олиш;

— Ўзбекистон тарихига оид воқеа-ҳодисаларни ёритишда унинг кўҳна Туронзамин, Туркистон тарихининг таркибий қисми бўлганлигини ёдда сақлаш;

— тадқиқот яратишда эски коммунистик-большевистик мафкура ақидаларига ва ўтмишни сохталаштиришга йўл қўймаслик, тарихий жараёнларни ҳолисона баҳолаш;

Президент И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида тарих муаммолари ва ватанимиз тарихини ўрганиш масалалари тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини батафсил баён этган. Унда кўра «Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапирганда

бизда ҳуқуқий ва илмий асосга таянган таҳлил муайян яхлит концепция йўқ. Миллатнинг ўзлигини англаш тарихни англашдан бошланади. Ушбу ҳақиқат, - дейди И.Каримов, - давлат сиёсати даражасига кўтарилганича йўқ”¹². Шу билан бир қаторда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратилди. Биринчидан, тарихимизни ёритишда ҳамон биз рус олимларининг тадқиқотларига, яъни ўзгаларнинг нуқтаи назарига таяниб иш кўрмоқдамиз. Кўпчилик тарихчи олимларнинг тафаккури эскича қолипда қолмоқда.

Иккинчидан, Президентимиз масалага илмий-сиёсий ва мафкуравий тамал тошини қўйиб бизнинг аجدодларимиз қадим замонлардан шу заминда макон тутганлиги, меҳнат ва ижод қилганлиги ҳақидаги дадил илмий ғояни илгари суради. Халқимизнинг “кўчманчи” ва “келгинди” деган ноҳолис қарашларнинг пуч эканлигини илмий асослаш зарурлигини айтади. Бунинг учун мавжуд 20 мингдан ортиқ қўлёзмаларни тадқиқ ва таҳлил этиш зарурлиги таъкидланади.

Учинчидан, Темур шахси, ўзбекларнинг келиб чиқиши ва ўзбек халқининг қандай тарихий қонуниятлар ва омиллар ҳисобига Шўролар даврида омон қолганлиги чуқур таҳлил қилиниши зарурлиги таъкидланади.

Тўртинчидан, тарих фани миллий ғурур ва туйғуни уйғотадиган, ўзбекчилигимиз, миллий бирлигимиз ва маданиятимиз илдизларини очиб берадиган илмий хулосалар чиқариши кераклиги айтилади.

Бешинчидан, бизнинг давлатимиз тарихини ёритишда ўзга ғоянинг ҳукмронлигига йўл қўйилмаслик лозим.

Олтинчидан, бизда замонавий фикрлайдиган тарихчи олимларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини яхшилаш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Зотан, ўтмишни англаш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар онги ва руҳиятида ўзгаришлар ясашга, шу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охир-оқибатда эса жамиятни маънавий ислоҳ қилишга эришилади. Бунинг

¹² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 134-бет.

нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, инсоннинг инсонлигини англаш қобилияти шаклланади.

Иккинчидан, тарихий тафаккур орқали бугунги ҳаёт мазмуни чуқурроқ тушунилади ва истиқболни кўриш фалсафаси дунёга келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феноменини вужудга келтиришга хизмат қилади.

Учинчидан, тарихни ўрганиш орқали мустамлкачилик таъсирида ва коммунистик зўровонлик мафкураси натижасида ўзлигини йўқотган, ўз кадр қимматини буткул унутган фуқарони уйғонишга, ўзлигини англашга, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишга даъват этади.

Тўртинчидан, аجدодлари буюк бўлган, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган маданиятга дахлдор фуқаро қалбида ўтмишини ўрганиш орқали миллий ғурурининг уйғониши мамлакат мустақил тараққиёт йўлини танлаган бир пайтда катта ижтимоий-маънавий кудрат ва улкан сиёсий ирода кучи бўлиб хизмат қилади. Ана шу англаш жараёни инсоннинг ўзини ўзи янгилашига, ўзини ўзи маънавий тозалигини, ўзини ўзи ислоҳ қилишига олиб келади.

Бешинчидан, ҳар бир фуқарони маънавий ва руҳий жиҳатдан янгилаш орқали жамиятни янгилаш, турмуш тарзини янгилаш каби ғояда чуқур, кенг миқёсли ислоҳот амалга оширилади. Бу бугунги ислоҳотлар даврида қилинаётган кўп қиррали ўзгартиришларнинг асосий омили сифатида қадриятга айланади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи бу — тарих фанининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиб, истиқлол йилларида бошланган буюк давлатчилигимиз пойдеворини мустаҳамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқимизнинг фаровонлиги йўлида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига ўзимиз ҳам гувоҳ бўлган даврдаги мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида амалга оширилган

ислохотларнинг тарихга айланиб бориш жараёни билан боғлиқ воқелик сифатида акс этишидир. Унинг мазмун-моҳиятини англаш, билиш билан бирга ана шу жараёнда ҳар биримизнинг фаол иштирокчига айланишимизни ҳам тақозо этиши мамлакатимиз тарихининг ўтган бошқа даврларидан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг Мустақиллик даври тарихида мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришиш жараёни, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, мамлакатда яшимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маънавий-руҳий тикланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олиши каби масалалар унинг мазмунини ташкил этади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида яратилган янги тарихи материаллари, тарихий жараёнлар янги талқини собиқ тузум даврида анъанага айланган «синфийлик», «партиявийлик» каби сохта тамойиллардан холи бўлиб, қуйидаги хусусиятлари билан аҳамиятлидир: биринчидан, бу даврда яратилган тарих материаллари илмийлик, ҳолисоналик, тарихийлик, хронологик, изчиллик, тарихий ҳақиқатнинг устуворлиги тамойилларига асосланади; иккинчидан, фан материалларини ўзлаштириш китобхонда тарихий билимларнинг давомийлигини таъминлайди, тасаввур ва тушунчаларнинг чуқурлашувига хизмат қилади, масала моҳиятига илмий-назарий ёндашув фазилатларини шакллантиради; учинчидан, Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида яратилган тарихи материаллари бошидан охиригача ватанпарварлик, толерантлик, инсонийлик каби ғоялар билан суғорилган; тўртинчидан, тарихий талқиндаги материаллар умумбашарий ва миллий қадриятлар устуворлиги ҳамда тарихга ҳурмат-эътибор руҳи билан суғорилган бўлиб, шу асосда 2000 йил «Шарқ» нашриётида «Мустақил Ўзбекистон тарихи» (III жилд) нашр қилинган, 2009

йилда тўлдирилиб «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа уйи» томонидан қайта нашр қилинган ва у олий таълим муассасаларида дарслик вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, умумий ўрта таълимнинг 5-синфлари учун «Тарихдан ҳикоялар», 6-9-синфлари учун «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи», ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг 1-2-3 босқичлари учун «Ўзбекистон тарихи», «Жаҳон тарихи» дарсликлари қайтадан нашр этилди.

Юқоридаги илмий қарашлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи таҳлил қилинганда, қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим. Тарихий тараққиётга формацион қараш барҳам топган бутунги кунда ҳам олий таълим муассасалари дастурларидаги Ўзбекистоннинг Мустақиллик даври тарихини «Ўзбекистоннинг энг янги тарихи», Ўзбекистоннинг шўро мустамлакачилиги даври (1917-1990 йиллар) тарихини эса «Ўзбекистоннинг янги тарихи» тарзида белгиланганлигини қайта кўриб чиқиш лозим. Ўзбекистоннинг шўро мустамлакачилиги даврини биз учун «янги тарих» деб қаралиши мантиқан ҳам тўғри эмас, чунки метрополияда давлат тузумининг ўзгариши мустамлакачиликнинг асл моҳиятини ўзгартирмайди. Янги тарих халқнинг азалий орзу - умидларига эришиши билан боғлиқ тарихий ҳодиса сифатида Мустақиллик билан бошланади. Шунинг учун Ўзбекистоннинг Мустақиллик даври тарихи ўз номи билан шундай деб, яъни Ўзбекистоннинг Мустақиллик даври тарихи ёки Мустақил Ўзбекистон тарихи, деб аталиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар уни қандайдир тарихий давр билан аташ лозим бўлса, у ҳам ўз номи билан ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида янги даврни бошлаб берган Ўзбекистоннинг янги тарихи сифатида қаралиши ҳам илмий, ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам мантиқ нуқтаи назаридан тўғри бўлади.

Мустақиллик йиллари ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тезкорлиги воқеа ва ҳодисаларнинг шиддатлилиги, олам-у одам тақдирига дахлдор бўлган дунёвий муаммолар-у серқирра ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган умумий қарашларимиздан тортиб, энг кичик, энг шахсий юмушларимизгача бўлган барча ҳодисаларни ўзида мужассам этади. Шунинг

учун бу давр тарихи, жараёнлар ва ҳодисаларнинг мазмун моҳиятини ўқувчига етказишнинг самарали воситалари, методлари ва технологияларидан унумли фойдаланиш талаб қилинмоқда. Биз яшаб | турган даврни «глобаллашув», «янги технологик аср» ва ҳ.к. номлар билан аталишидан қатъи назар ҳозирги замоннинг энг илғор технологияларидан фойдаланиш талабга айланиб, фаолиятимизга кириб келаётганлиги ҳақиқатдир. Ғарб мамлакатлари таълим муассасаларида «Янги педагогик технологиялар»нинг турли-туман муқобилларини қўллаш кенг оммалашган. Аммо уни бизга гўёки янгилик сифатида тақдим этилиши ҳам бир томонлама қарашдир.

Ана шу жараёнда «янги педагогик технологиялар», «инновацион технологиялар» номлари билан ўқитишнинг методикаси, услубларидан фарқ қиладиган технологиялар ҳар бир профессор ва ўқитувчилар томонидан маълум даражада қўлланилганини ва қўлланилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Фақат улар маълум даражада тартибга солинмаганлиги ва баъзан кенг миқёсда оммалашмаганлиги сабабли бу технологияларни қўллашга тушуниб, тушунмай қуйилаётган талабларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Айниқса, Ўзбекистоннинг Мустақиллик даври тарихини ўрганишда Ўзбекистон тарихининг ўтган давларига нисбатан манбалари, тарихий, сиёсий, ҳукукий, иқтисодий, маънавий-маърифий талқиндаги материаллар, адабиётлар кўплиги боис педагогик технологияларнинг турли муқобилларини қўллаш имконини ҳам кенгайтиради.

Айни пайтда, Ўзбекистон тарихининг Мустақиллик даври тарихи мамлакатимизда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уни аҳолининг турли қатламларига мос равишда зарур восита (матбуот, телевидение, радио, илмий оммабоп ва бадиий адабиётлар, кино, театр, оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари, суҳбатлар, семинар-тренинг)лар орқали сингдириш борасидаги фаолиятни тизимли ташкил этиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи тарихи, унинг кечмиши бевосита тарих фалсафаси ва

тарихий тафаккур орқали бугун одамларни уйғотмоқда, улар диққатини ўзига тортмоқда. Юртдошларимиз онги, қалби орқали бутун ўтмиш ўз ютуқлари ва нуқсонлари билан яхлит ҳолда жонланмоқда. Шу асосда халқимизнинг маънавий қудратига, руҳий таянчига айланмоқда, олис истиқболни белгилашда ўта муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда.

Президент Ислам Каримов «Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»¹³, дер экан, туб ислохотларни амалга ошириш зарур бўлиб қолган бир шароитда инсонни уйғонишга, ўзлигини англашга даъват этмоқда. Айни ўзликни англаш инсоннинг ўтмиши ва аجدодларига қизиқишидан бошланади. Шу сабабли Ўзбекистон ҳаққоний тарихини яратишнинг янги назарий методларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу масала бугунги кунда миллий маданиятимиз ва умуминсоний кадриятларнинг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлмоқда.

¹³ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимизни билан қураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 134-бет.

II Боб. ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ, ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА ТАРИХИЙ МЕРОСНИ ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

2.1. Президент И.А.Каримов асарларида Ўзбек давлатчилиги масалалари

Ўтаётган ҳар бир кун тарихга айланиб бормоқда. Қайси бир халқ вақтдан оқилона фойдаланиб, эзгу орзу-ниятларни рўёбга чиқарса, шу йўлда фидокорона меҳнат қилиб, нури келажакка замин яратса, ўша мамлакат обод, ўша халқнинг обрўи, қадди-басти баланд бўлиши шубҳасиз.

Халқимиз, давлатимиз раҳбари бошчилигида, ана шундай бунёдкорлик йўлидан бориб, мангуликка дахлдор мўътабар ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, замонавий давлатчилик тизимини барпо этиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Ушбу устивор йўналишдаги жадал ҳаракатларни амалга оширишдан ўзбек халқининг давлатчилик соҳасида тўплаган кўп асрлик бой тарихий тажрибасини атрофлича ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш масаласи ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Истиқлол берган катта имконият туфайли ҳаммамизга ўтмиш бағрига «яшириб қўйилган» маънавий меросимиздан баҳраманд бўлиш насиб этди. Харобага айланган меъморий обидаларимиз қайта тикланди ва ўзини дунёга намоеън этмоқда. Шу маънода Президентимизнинг қуйидаги фикрлари барчамиз учун ибратлидир: **«... ота-боболаримиз хоки ётган бу юрт, бу муқаддас замин – бизники, унинг бугуни ва истиқболи фақат ўзимизга боғлиқ, мустақиллик пойдеворини қурган инсонлар бошлаган ишларни давом эттириш – бизнинг эзгу бурчимиз, деган тушунчани, керак бўлса, ҳаётий эътиқодни ёшларимизнинг онгу шуурига чуқур сингдиришимиз даркор... Ҳар қаричи муқаддас бўлган она еримизга нисбатан фарзандларимизда ғурур ва ифтихор, садоқат туйғуларини уйғотиш**

учун биз бугун нима қияпмиз, деган саволга жавоб излаб кўрайлик».¹⁴

Буюк тарихга эга бўлган халқнинг маънавияти ҳам улуғ ва бекиёс бўлади. Чунки юксак маънавиятга эга бўлмаган халқ ўзининг бетакрор тарихини яратолмайди. Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг бу борада ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Ўз кадр-қимматимизни, миллий давлатчилигимиз, маданиятимизни, муқаддас қадриятимиз, тилимиз билан ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор қозонишга эришдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишни энг долзарб масала сифатида эътироф этиб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтарди: «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим»¹⁵. Президентимиз томонидан кўйилаётган бу масала тарихчилар олдига катта вазифа ва масъулият юклайди. Дарҳақиқат, мустақиллигимизгача тарихчилар ўзбек давлатчилиги тарихини, айниқса унинг пайдо бўлиш ва шаклланиш даврларини ўрганишга етарлича эътибор беришмаган.

Истиқлол йиллари янги мустақил Ўзбекистоннинг миллий давлатчилиги пойдеворини барпо этиш соҳасида пухта ва жиддий иш олиб борилган давр бўлди. Маълумки, давлатчилигимизнинг минг йиллик тарихи Россия империясига зўрлик билан қўшиб олинимиш натижасида узилиб қолган эди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган суверен Ўзбекистон янги давлатчилигини қуриш ва ривожлантиришга киришди. Бошқача қилиб айтганда, фақат истиқлолгина халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин ҳис

¹⁴ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. 15-бет.

¹⁵ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Тошкент. - 1999. – Б. 138.

қилиш, чинакам миллий қадриятларни тиклаш, ўз миллий давлатчилигини шакллантириш имконини берди.

Мустақилликка эришилгач, халқимиз олдида кескин муаммолар кўндаланг бўлди. Уларни ҳал қилмасдан туриб, демократия ва ҳокимиятни тақсимлаш принципларига асосланган янги давлатчиликни барпо этиш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мумкин эмас эди.

Ўзбекистон демократия қадриятларини, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини барпо этишни ўзи учун энг устувор қадриятлар сифатида танлади.

Эълон қилинган мақсадларга аввалги мафкуравий тоталитар тузумни тубдан бузиб ташламасдан, ўтмиш одатларидан воз кечмасдан эришиб бўлмасди.

Шу боис қуйидагилар энг асосий вазифамиз бўлиб қолди:

Биринчидан. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизимини, унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органларини тугатиш.

Иккинчидан. Янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш. Конституция ва қонунларда ижтимоий муносабатларнинг янги тизимини, ҳам марказдаги, ҳам жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг янги тизимини мустаҳкамлаб қўйиш.

Янги ўзбек давлатчилигининг қарор топиш жараёни ҳам ташқи, ҳам ички мураккаб шароитларда рўй берди.

Ички сиёсатимизда биз бир-бирига боғлиқ икки вазифани ҳал қилишимиз лозим эди. Бу - янги давлатчиликни барпо этиш ҳамда кенг кўламли сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш вазифаси эди. Советлардан кейинги маконда вужудга келган янги мустақил давлатларда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва ҳамдўстлик доирасида вужудга келаётган давлатлараро муносабатлар, интеграцияни жадаллаштириш ва чуқурлаштириш шиори остида миллий суверенитетнинг қарор топиши ва мустаҳкамланиши жараёнини тўхтатиб қўйишга турлича уринишлар янги давлатчиликнинг вужудга келиш жараёнига таъсир

кўрсатмаслиги мумкин эмас эди.

Булардан ташқари, янги давлатчилигимиз биз кўп ишларни ибтидосидан бошлашга ҳамда ташқи сиёсий фаолият бобида етарли тажрибага эга бўлмаган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топишга мажбур бўлган бир вазиятда қарор топди.

Мана шу омилларнинг барчаси Ўзбекистоннинг янги мустақил давлатчилиги мураккаб шароитларда қарор топишига сабаб бўлди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги қайта тикланганлиги эълон қилинди. Ҳудди шу куни жамиятимиз ҳаётига Ўзбекистон давлати, Ўзбек давлатчилиги тушунчалари кириб келди. Тўғри, давлатчилик ўзбек халқи тарихи учун янгилик эмас, аммо 130 йиллик мустамлака даврида айникса, сўнгги бир неча авлод наздида давлат, давлатчилик тушунчалари унут бўлган эди. Чунки мазкур даврда давлатнинг ўзи йўққа чиқарилган эди. Демак, эндиги шароитда тарихчилар олдида турган катта вазифалардан бири тўғридан-тўғри Ўзбекистон давлати тарихини, ўзбек давлатчилиги тарихини илмий асосда ўрганишдан иборат.

Ўзбекистон ҳудудида туб аҳолини ва унинг аجدодларини куп минг йиллар давомида утрок яшаб келганлиги ҳамда маҳаллий маданиятнинг бой қадимги илдизи ва утмиш ўзбек давлатчилиги тарихининг ғоявий асосларидан биридир. Шунингдек, Ўзбекистонда давлатчиликнинг пайдо бўлишида ва ўзбек халқининг этник жиҳатдан шаклланишида туб ўтрок дехқончилик аҳолисининг тутган ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги ўзбек халқи тарихан шу заминда яшаган халқнинг давомчиси ва шу ерда шаклланган турмуш тарзи ва маданиятининг тўлақонли вориси ҳисобланади. Ўзбекистонда давлатчиликнинг келиб чиқишида милoddан аввалги IV минг йилликларда шаклланган сунъий сугоришга асосланган дехқончилик хўжалиги, хунармандчилик ва маҳсулот алмашишнинг келиб чиқиши асосий омил бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида туб аҳолининг урф-одатлари, анъаналари ва маънавияти, азалий ижтимоийлашув жараёни бирлаштирувчи

омил булиб келган.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бир гуруҳ тарихчи – олимлар билан учрашувида қилган маърузада ўзбек давлатчилиги тарихининг аниқ йўналишига, унинг илмий-методологик концепцияларига доир муҳим фикр-мулоҳазаларни баён қилди. Бир сўз билан айтганда ижтимоий фанлар олдида турган вазифалар аниқ белгилаб берилди. Президентимиз И.А. Каримов юртимиз тарихчилари билан бўлган учрашувда таъкидлаганидек, тарихимизни бирламчи манбалар асосида ўрганмай туриб келажакни кўриш, маданий-маърифий ва миллий ўзлигимизни англаш қийин, деган фикрлари ва «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида айтилганидек «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади... Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас... Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур...» деган сўзлари шубҳасиз биз учун дастурамал бўлиши лозим¹⁶.

Мустақилликдан кейинги йилларда Ватанимиз тарихини ўқитиш ва ўрганишда етарлича дарсликлар, манбалар йўқлиги боис катта муаммо пайдо бўлди. Халқимиз тарихи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши учун ҳаққоний тарихимизни яратиш лозим эди. Шўролар даврида мактаб программасида Ўзбекистон тарихини ўрганиш учун 3-4 соат ажратилган бўлиб, ёшлар асосан СССР тарихи деб аталган славян тарихини ўрганар эди. Олий ўқув юртларида эса Ўзбекистон тарихи деярли ўқитилмаган. Бу даврда нашр қилинган мавжуд Ўзбекистон ССР тарихи деб аталган китобларда эса тарихимиз коммунистик мафкура анъаналари асосида ёритилган, яъни тарихимиз аёвсиз қораланган. Қадим аجدодларимизнинг давлатчилик анъаналари умуман тадқиқ қилинмаган, ўрганилмаган.

Мустақилликдан кейинги йилларда бу масала президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида маъруза ва нутқларида энг долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди. Ўтган давр мобайнида тарихий

¹⁶ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўль. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1998, 5-25 бетлар.

анъаналаримизни, кадриятларимизни тиклаш борасида кўплаб ҳайрли ишлар қилинди. Ҳозирда бизнинг ватанимиз нафақат шарқ балки умужаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Олимларимиз тарихимизнинг турли даврларига доир рисоалар ёзишмоқда. Бироқ ҳалигача бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда илмий ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда тарихимизни ўрганишда аниқ, яхлит концепция йўқ. Ҳолбуки миллий ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур. Шу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда президентимизнинг ҳар бир асарида миллий тарихимиз ҳақида албатта янгича фикр ва ғоялар илгари сурилмоқда.

1998 йил 24 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори чиқди. Қарорда тарих институтининг фаолияти бўйича бир қанча кўрсатмалар ва вазифалар белгиланди. «Ўзбекистон тарихи» деб номланган илмий журнал таъсис этилди. Бу қарор эълон қилингандан кейин тарихимизни аниқса миллий давлатчилик тарихини ўрганиш борасида ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди. Тарих институти олимлари етакчилигида ўзбек давлатчилиги тарихи концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепция «Ўзбекистон тарихи» журналининг 1999 йил 1-сонидан эълон қилинди. Ватанимиз давлатчилиги тарихи масалаларига доир илмий мақолалар нашр қилина бошланди. Олий ўқув юртларида Миллий давлатчилик тарихи сифатида ўқитила бошланди. Ватанимиз тарихи ҳаққоний тарзда баён қилинган янги мактаб дарсликлари вужудга келди. Умуман айтганда миллий давлатчилик концепциясининг яралиши илгариги давлатчилик тарихимизни ўрганиш йўлида катта аҳамиятга эга бўлди. У бир дастур сифатида ғоят катта қимматга эга.

2.2. И.А.Каримов асарларида буюк саркарда соҳибқирон А.Темур сиймосига муносабат

Мана 22 йилдирки мустақил Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янги уйғониш даври давом этаяпти.

Истиқлол туфайли халқимизнинг буюк авлод-аждодларимиз яратган бебаҳо маънавият сарчашмаларидан баҳраманд бўлиш даври етиб келганлиги сабабли, улуғ аждодларимиз, буюк мутаффакирларимиз номларини халқимиз ҳурмат ва эҳтиром билан эслаб, уларга ҳаққоний ҳурмат-эҳтиром кўрсатмоқда.

Юртбошимиз раҳномолигида маънавий-ахлоқий кадриятларимизни тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатувчи янги босқичга асос солинди ва келажаги буюк Ўзбекистоннинг маънавий камолатида янги уйғониш даври юзага келди.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан қолган маънавий мероснинг муносиб ворислари бўлишни талаб қилади. Бунинг учун ушбу табарруқ заминни обод этишга ўз ҳаётини бағишлаган буюк аждодларимиз номини келажак зафарларга ундовчи бир байроқ янглиғ баланд тутмоғимиз лозим. Ана шундай номи миллатимиз туғига айланган забардаст сиймо улуғ бобокалонимиз Амир Темурдир. Бугун соҳибқирон Амир Темур руҳи дунё кезмоқда.

Собиқ тузум даврида кўп йиллар мобайнида, ҳаттоки, Европа давлатлари самимий эҳтиром билан тан олган бобокалонимиз шаънига туҳмат ва ҳақоратлар ёғдириб келинди. Мустамлака зулми исканжасида кун кечирган халқимиз буюк аждодини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди. Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад – халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Ниҳоят, ҳақиқат ғалаба қилиб, Шарқда тенги йўқ саркарда, Ватан ва миллат мустақиллиги учун умрини

бахш этган мард ва фидоий инсон, Марказий Осиёда бундан 600 йил аввал улуғ бир салтанат барпо этган давлат арбоби истиқлол шарофати билан ўз Ватанига қайтди.

Айниқса Амир Темурнинг меросини ўрганиш мустақиллик туфайли янги босқичга кўтарилди. Давр ва шароит нечоғлик оғир, шавқатсиз бўлмасин, ўзбек халқи ҳеч қачон ўтмишини, унинг сиймоларини ёддан чиқармади, қалб қўрида сақлаб келди.

Қизил империя Амир Темурга, у орқали ўзбек халқига нисбатан таҳқирлаш сиёсатини олиб борган бир пайтда, хорижда бу беназир зотга бағишланган кўплаб илмий, илмий оммабоп, бадий санъат асарлари яратилди, халқаро анжуманлар ўтказилди, унинг номи билан боғлиқ оммавий ташкилотлар тузилди, музейлар очилди.

ЮНЕСКО Амир Темурнинг инсоният тарихидаги улкан хизматларини жаҳон аҳлига танитишга, Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда жонбозлик кўрсата бошлади. Бу биринчидан, улуғ бобокалонимизнинг жаҳон тарихидаги бекиёс нуфузидан далолат берса, иккинчидан миллат шаъни, унинг тарихий шавқатини тиклаш йўлида Президент И.Каримов ҳаракатининг натижасидир.

1995 йил декабрда, 1996 йилни Амир Темур йили деб аташ тўғрисида фармон қабул қилди. «Темур тузуклари» бир неча тилларда чоп этилди. Амир Темур мақбараси тикланди. 1996 йил 22-24 апрел кунлари ЮНЕСКО доирасида Парижда халқаро тадбир ўтказилди.

Соҳибқирон юбилейида президентимиз И.Каримов шундай деган эди: Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду-насиҳатлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ».¹⁷

Маълумки, ўтмишни билиш ҳозирги кунни тўғри англашни тақозо этади. Шунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир ватанпарвар ва миллатпарвар

¹⁷ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.Т., 1997, «Ўзбекистон», 5 жилд,191 бет

фукароси Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ҳақидаги бор ҳақиқатни ўрганиши лозим». Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини кунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз ҳам қарзидир».¹⁸.

Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихини чуқур билиш нима учун зарур. Биринчидан, ўз тарихини, насл-насабини, меросини билмаган миллатнинг келажаги бўлмайди. Чунки ҳар бир халқнинг ўз тарихи мавжуд. Ўз тарихини билмаган, унинг ижобий ва салбий тажрибаларини ўрганиб, тегишли хулосалар чиқармаган халқ бугунги ҳаётининг кадрини ва муаммоларини тушуниб ета олмайди, ўз келажаги ҳақида аниқ тасаввурга, пухта ишланган дастурга эга бўла олмайди. Биз келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга киришган эканмиз, бобокалонимизнинг улуғ ҳаёти ва фаолияти бизга катта ишонч, интилиш, қатъият ва куч қувват бахш этади.

Иккинчидан, Амир Темур ва темурийлар тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш фақат илмий маърифий аҳамият касб этиб қолмасдан, тарбиявий ва амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу даврда шаклланган ва ривожланган тарих сабоқларидан мустақиллик йўлида фойдаланиш зарур. Тарих ҳар бир инсонни ўз Ватанига муҳаббат, садоқат, ўз халқининг ўтмиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, унинг ҳозирги куни ва келажаги билан ғурурланиш руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаларидан биридир. Шу боисдан Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган хулосалар чиқариш имконини беради. Буларни Амир Темур тарихи сабоқлари деб аташ мумкин. Сабоқларнинг энг асосийлари қуйидагилардир.

Биринчиси Амир Темур бир юз эллик йиллик қарамликдан сўнг ўзбек миллий давлатчилигини тиклаган, мамлакат ва минтақаларни бирлаштирган, ўз замонаси учун дунё миқёсидаги тараққийпарвар марказлашган давлат бошқарув тизимини яратган.

Иккинчиси, Соҳибқирон ўз салтанатида тинчлик, осойишталик ва

¹⁸ Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 1994 й. 185 бет

барқарорликни таъминлашга энг асосий вазифа деб қараган ва бу борада барча чораларни ишга солган. Бунинг натижасида иқтисодий ва маънавий соҳаларда улкан ютуқларга эришган. Бу ул зотнинг адолатли халқпарвар сиёсати натижасидир. Бундай сиёсат туфайли халқ билан давлат ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш юзага келган, давлат бутун чоралар билан ўз фуқаролари ҳақида ғамхўрлик қилган. Аҳолига жабр-зулм ўтказганларни, ўғри талончиларни, босқинчиларни қаттиқ жазолаган, халқ эса бунга жавобан Амир Темур олиб борган сиёсатини қўллаб-қувватлаб у ўрнатган қонун-қоидаларга риоя этган.

Учинчиси, Амир Темур деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдони ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратган. Унинг ҳукмронлик даврида ва шундан кейинги мулкчилик муносабатлари, солиқ тизими тараққий этган.

Тўртинчиси, Амир Темур фан ва маданият равнақига кенг имкониятлар яратган, дин пешволари, олимлар, санъаткорлар, меъморлар, ёзувчилар, шоирларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб турган. Бундай сиёсатнинг натижаси ўлароқ Шарқ Уйғониш даврини иккинчи босқичига асос солинган.

Бешинчиси, Амир Темур моҳир ва музаффар саркарда сифатида мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳарбий қўшиннинг моддий таъминоти, уни қуроллантириш, ҳарбий интизом масалаларига алоҳида эътибор берган.

Олтинчиси, Амир Темур салтанатининг барча минтақаларидаги ҳақиқий аҳвол, маҳаллий амалдорларнинг халққа муносабати, бозорлардаги нарх-наво, жойлардаги тартиб-интизом ҳақида аниқ, тўғри маълумотга эга бўлишга катта эътибор берган.

Еттинчиси, Амир Темур мансабдор шахсларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, улар фаолиятини назорат қилиш масалаларига катта эътибор берган. Мансабдор фаолиятига баҳо беришда халқнинг улар ҳақидаги фикри, адолат ва инсоф билан иш кўришлари, масалаларни қонуний ҳал қилишлари асосий меъёр бўлиб хизмат қилган.

Саккизинчиси, Амир Темур салтанатида давлат аҳамиятига молик масалалар кенгашларда маслаҳатлашиб ҳал этилган.

Тўққизинчиси, Амир Темур шариат қоидалари ва «Тузуқлар» асосида жамият ҳақиқий ҳаётини бошқаришни йўлга қўйган.

Ўнинчиси, Амир Темур жамият ривожига барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутган ва уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ва таъминлаган.

Ўн биринчиси, Амир Темур ўз даври шарт-шароитига кўра, ташқи сиёсатда қатъий, фаол ҳамда мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиб, ўз салтанатини жаҳон миқёсига олиб чиққан.

Ўн иккинчиси, Амир Темур салтанатида ибратли ижобий жихатлар, тадбирлар ҳукм сурганлиги билан бир қаторда иллатлар, қонунбузарликлар, ҳақсизликлар, ҳатто ёвузликлар ҳам бўлган. Буни унутмаслик, тарихга ҳаққоният кўзи билан қараш зарур ва баҳо бериш керак.

Ўн учинчиси, Амир Темур даври тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий мафкурасига эга бўлиши шарт. Бусиз том маънодаги миллий давлатнинг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда Амир Темур салтанати ва шахсияти намуналари ва тажрибалари назарий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Маълумки жаҳон шарқшунослигида Темур ва темурийлар даврига муносабат анча юқори. Соҳибқиронни Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезар, Чингизхон ва Наполеонга қиёслашади. Хўш, бунинг сабаби нимада ?.

Биринчидан, Амир Темур дунёда энг катта Марказий Осиёдан то Ўрта ер денгизигача Кичик Осиё ва Шимолий Кавказиянинг катта қисмини ўз ичига олган йирик марказлашган давлат ташкил этган.

Иккинчидан, Амир Темур мағлубият нималигини билмаган ғолиб саркарда сифатида бирор бир халққа қарши эмас, балки Мовароуннахрни сиёсий, иқтисодий ва маънавий жихатдан бирлаштириш ва обод қилиш учун юришлар олиб борди.

Учинчидан, Амир Темур буюк давлат арбоби ўлароқ ўз замонаси учун энг мукамал давлатчилик ва ҳуқуқий тизимини яратган.

Туртинчидан, Амир Темур буюк бунёдкор, фан, маданият, санъат ва таълим-тарбия хомийси сифатида шарқдаги уйғониш даврининг иккинчи босқичини бошлаб берган, бу билан жаҳон, хусусан, Шарқ сивилизасиясига улкан ҳисса қўшган.

Бешинчидан.Амир Темур ўзининг шахсий фазилатлари, яъни камтаринлик, эътиқодлилик, одиллик, жасоратлик, бағрикенглик олдиндан кўра билишлик, тadbиркорлик каби ҳислатлари билан ажралиб турган.

Олтинчидан, Амир Темур дунё давлатчилиги ва маданияти тарихида бутун бир давр, яъни Темурийлар даврига асос солган. Буюк жаҳонгир ташкил этган салтанат 468 йил ҳукм сурган ва Темурийлар сулоласи вакиллари Соҳибқирон анъаналарини давом эттирганлар.

Жаҳон шарқшуносларини Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсий фазилатлари, билимдон давлат бошлиғи, ва моҳир дипломат сифатида шаклланиши , Темурийлар салтанати юксала борганлигининг сирлари ҳамда инқирозининг сабаблари қизиқтиради. Мазкур ҳолатларни билиш учун ўнлаб саволлар пайдо бўлади, уларни Морлоси фожеасини ёзишга, Волтерни Эссе битишга, Гётени ўз девонидан унга ўрин беришга, Генделни унга бағишлаб опера яратишига мажбур қилди.

Мустақиллик Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишга ҳам ижобий таъсир ўтказди.

«Қизил империя» даврида «Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқлар билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш учун, қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин, ўзбек халқи ўз аجدодларини ўз баходирларини унутмади, уларни ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.¹⁹

¹⁹ Каримов И.А.Эҳтиром. Халқ сўзи. 1993 йил 1 сентабр

Буюк бир давлатга асос солган, оламини тебратган, номи етти иқлимга машхур бўлган бобокалонимизнинг от устидаги сиймоси мустақиллик ва эркинлик рамзи сифатида азим шаҳар Тошкентнинг марказий ҳиёбонига қўйилди. Бу соҳибқирон туғилган юрт Шаҳрисабздаги ёдгорлик тақдирига жаҳонгирлик битилган навқирон йигитнинг тажассумига ўхшайди. Самарқанддаги ҳайкалда Соҳибқирон тахтда ўтирган ҳолатига буюк давлат асосчиси, тadbиркор раҳбар ва донишманд сиёсатчи сифатида тасвирланади.²⁰ Зеро маънавиятимизнинг энг теран ўқ томирларидан бири зоти улуғ Амир Темур сиймосидир. Соҳибқирон сиймоси инсоният тарихида бизгача бўлган, биздан кейин ҳам бўладиган катта бир оламшумул воқеликдир.

Дарҳақиқат, тарих такрорланади ва элагида ўз қаҳрамонларини элайди. Комилни комил танийди, буюкларни буюклар тан оладилар.

Президент Ислом Каримов бугунги ўзбек миллий давлатчилигини барпо этишда ҳам, олис ўтмишни баҳолашда ҳам, порлоқ истиқболни баҳолашда ҳам Амир Темур сиймоси, унинг тафаккури, сиёсати, бошқарувдаги тактика ва стратегиясига ҳурмат билан қарайди. Айни пайтда Амир Темур шахси ва унинг бой меросини, улкан мактабини бугунги куннинг муқаддас дарсхонаси деб билади. Шу маънода унинг Тошкентда Амир Темур ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда айтган ушбу сўзларини яна бир карра эслаб ўтиш ўринлидир:

«Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг асосий ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аجدодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

²⁰ Халқ сўзи. 1996 йил 27 январ

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз – жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуг бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни куришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди».

Амир Темурнинг тарихий хизмати, унинг инсоният тараққиётида тутган ўрни, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларига таъсири фақат шулар билан кифояланмайди. Унинг, айтиш мумкинки, бошқарувдаги тактика ва стратегияси, миллий хавфсизлик ва мудофаа, адолатли фуқаролик жамиятини такомиллаштириш борасидаги тажрибалари оламшумул аҳамият касб этган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темир номи ва унинг даври бизнинг тарихимиздан бутунлай ўчириб ташланган бир пайтда Темур ҳарбий мактаби тажрибалари, тактика ва стратегияси энг илғор ва ривожланган давлатлар қуролли кучлари тизимларида муҳим қўлланма сифатида ўрганиб келинди.

Мустақиллик даври том маънода ҳазрати Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. У бобокалонимизнинг васиятларининг рўёбга чиқаётгани билан алоҳида қимматлидир. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини муносиб баҳолаш ва иззатини ўрнига қўйиш хусусида гапирар эканмиз, бу масала Президент Ислам Каримовга нима учун керак, деган савол туғилади.

Биринчидан, Амир Темур қадрияти мустамлакачилик йилларида онгу шууримиздан ўчириб ташланган миллий туйғуларимизни қайта тиклаш, миллатни миллат, давлатни давлат қилиш учун, тафаккур ва тушунчаларимиздаги парокандаликка барҳам бериб, миллий замин ва миллий ҳаққи-ҳурмати учун бирлашишимиз керак. унинг Бекиёс фаолияти ва ўлмас мероси халқимизнинг миллий туйғусини, буюк ва жаҳоншумул анъаналарига ворис эканлигини чуқур англашга хизмат қилади.

Иккинчидан, халқимизнинг миллий ғурурини, миллий онгини юксалтириш учун қарийб унутилган тарихимизни қайта тиклаш лозим. Амир

Темур эса шу кўҳна тарихнинг буюк чўққисидир.

Учинчидан, фарзандларимизни, келгуси авлодларимизнинг номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, уларни ана шу буюк анъаналарнинг муносиб давомчилари қилиб тарбиялаш, миллий ғурурини юксалтириш учун керак. Шу маънода соҳибқироннинг: «Азиз-авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз деб билур эдим», деган гаплари бугунги кунда юртимизда улуғ аجدодларга, олиму фозил боболаримизга муносабатимизнинг тарихий уйғунлигини кўрсатиб турибди.

Тўртинчидан, Амир Темур қадрияти бизга демократик, ҳукукий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун, «Ўзбекистон-келажаги буюк давлат» деган ғояни рўёбга чиқариш учун керак. Янги жамият, янги ҳаёт, янги тафаккур, қолаверса, бутун давлатчиликасосларини қайта тиклаётган бир пайтда Амир Темур ўзбек халқига тоғдай таянч бўлиб хизмат қилади, унинг олижаноб ишларигабекиёс сафарбарлик руҳи бахш этади.

Бешинчидан, бу беназир қадрият мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун керак. Дарҳақиқат, ҳазрати Темур: «Куч-қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг», деган эди. Бугун эса, ўтиш даврининг энг қийин бир пайтида Ўзбекистон улкан қурилиш майданига айланганини улуғ бобомиз бошлаган анъаналарнинг давоми, эзгу орзуларининг рўёби, дейиш мумкин. Кейинги йилларда юзлаб янги бинолар, завод ва фабрикалар, йўллар ва кўприklar, кўркам маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, шифохоналар, таълим масканлари, миллий шакл ва мазмунга эга бозорлар қурилганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Умуман олганда, Амир Темур давлатчилиги, унинг бошқарувдаги ўзига хос томоийллари бугунги ўзбек миллий давлатчилигининг тамойилларига мос бўлмоқда, десак янглишмаймиз. Буни нималарда кўриш мумкин?

Энг аввало, соҳибқироннинг: «Барча ишларимнинг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини эса қилич билан бажо

келтирдим», деган доно ўғитлари Президент Ислом Каримовнинг дунё муаммоларини ва ички масалаларни ҳамжиҳатлик, ошкора музокаралар йўли билан ҳал этиш тарафдори сифатида амалга оширилаётган фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Улар ўртасида ўзаро уйғунлик бор. Жумладан, Президентимизнинг халқаро масалаларни ҳал этишда «томонларнинг бир-бирига ён бериш ва мурса йўли билан бир-бирига яқинлашуви, ҳар бир мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақланиши, барча манфаатдор томонларнинг музокара жараёнида иштирок этиши, қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтказиш ва аралашувга йўл қўймаслик» тамойиллари Амир Темурнинг машварату кенгаш воситасида сиёсат юритишини эслатади.

Президентимизнинг мамлакат Парламенти, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари, вилоят кенгашлари сессияларида иштирок этиши, мамлакат ҳаётининг энг муҳим долзарб масалалари юзасидан очик фикр алмашуви темурона демократиянинг янги шаклдаги кўринишидир.

Иккинчидан, Амир Темурнинг: «Чақалоқларни йиғлатмангиз, болаларга озор бермангиз – бу гуноҳи азим эрур. Бундай гуноҳни Аллоҳ ҳуш кўрмагай», деган гаплари Президент Ислом Каримовнинг оналар ва болаларга ғамхўрлиги, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий муҳофаза қилишни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлари, халқ таълими ва болалар тарбиясини ислоҳ қилиш ҳамда хотин-қизлар ҳаётини яхшилаш борасида олиб бораётган ишлари соҳибқирон давлат шажарасининг, Амир Темур маънавиятининг давом этаётганидан далолат беради.

Шуниси қувончлики, ўзбек халқининг бағрига озодлик шамолитеккан илк йилларданок, ЮНЕСКО Амир Темурнинг инсоният тарихидаги улкан хизматларини жаҳон аҳлига танитишда Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда жонбозлик кўрсатди. Бу, биринчидан, улуғ бобомизнинг жаҳон тарихидаги беқиёс нуфузидан далолат берса, иккинчидан, миллат шаъни, унинг тарихий шавкатини тиклаш йўлида Президент Ислом Каримов саъй-ҳаракатларининг натижасидир. 1996 йил юртимизда Амир Темур йили деб

эълон қилинди, «Темур тузуклари» бир неча тилларда чоп этилди. Ўша давр тарихий-маданий ёдгорликларини тиклаб, ёзма адабиётлар илмий муомалага киритилди.

Муқаддас қадамжо – Амир Темур макбараси таъмирланди. Жуда қисқа фурсатда, бобокалонимизнинг дунёвий шаъни ва шавкатига мос келадиган Темурийлар музейи қурилди. 1996 йилнинг баҳорида ЮНЕСКО доирасида Парижда ўтказилган халқаро тадбирлар жаҳон маданий ҳаётида муҳим ва ёрқин воқеа сифатида баҳоланди. Президент И.Каримов Соҳибқирон юбилейига бағишланган халқаро илмий анжуманда айтганидек: «Юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритган ютуқлар бўм-бўш, хувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган. Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман Темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки беҳосдан юз бериб келган ходиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсули!». Бугун Ўзбекистон ўз келажагини аниқ кўриб турибди. Соҳибқирон сабоғи бизни ана шу ҳақиқатни чуқур идрок этишга ўргатади. Юқоридаги фикрларини давом эттириб, юртбошимиз шундай деган эди: «Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бутун Ўзбекистон халқига, қолаверса, бутун жаҳон аҳлига қарата «Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, ғуруримиз!», деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўламан». Демак, ўзбек тарихи, хусусан Амир Темур сиймоси умуминсоний қадриятларга хизмат қилади. Бундан давлатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб бораверади.

2.3. Тарихий ёдгорликларни, қадриятларни тиклаш ва тарихий шахслар хотирасини абадийлаштириш масалалари.

Ўтган йиллар давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, бой тарихий меросига, маънавий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда “Юксак маънавият —енгилмас куч” китобида таърифланганидек, ”инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч- маънавиятга энг устувор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди. Мустабид тузум даврида миллатимиз ва халқимизни камситувчи бузиб кўрсатилган тарихий ҳақиқатлар тикланди. Миллий байрамлар ва урф-одатлар асл ҳолига қайтди. Азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, турли омборларга айлантирилган масжид ва мадрасалар тубдан таъмирланди.

Ўтган йиллар давомида нафақат ўзбеклар балки юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг ўзлиги ва кадр-қиммати мустаҳкамланди. Заминимиздан етишиб чиққан кўплаб улуғ зотлар-давлат арбоблари ва буюк олимлар ва мутафаккирлар, азиз-авлиёларнинг мерослари ўрганилиб, улар хотираси ва муборак номлари эъзозланмоқда.

Буюк тарихга эга бўлган халқнинг маънавияти ҳам улуғ ва бекиёс бўлади. Чунки юксак маънавиятга эга бўлмаган халқ ўзининг бетакрор тарихини яратолмайди. Маълумки, мустақилликка эришганимиздан сўнг бу борада ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Ўз кадр-қимматимизни, миллий давлатчилигимиз, маданиятимизни, муқаддас қадриятимиз, тилимиз билан ягона халқ, ягона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб

обрў-эътибор қозонишга эришдик.

Юртимизда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда куйидаги буюк алломалар, давлат арбоблари, мутафаккир ва шоирларнинг таваллуд саналари, хусусан:

- 1991 йил – Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;
- 1994 йил – Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги;
- 1996 йил – Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;
- 1997 йил – Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги;
- 1998 йил – Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;
- 1999 йил – Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги;
- 1999 йил – «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллиги;
- 2000 йил – Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллиги;
- 2001 йил – «Авесто» китобининг 2700 йиллиги;
- 2002 йил – Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги;
- 2006 йил – Хоразм-Маъмун академиясининг 1000 йиллиги;
- 2006 йил – Қарши шаҳрининг 2750 йиллиги;
- 2007 йил – Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги;
- 2007 йил – Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги;

2009 йил – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тарихий саналари кенг нишонланди. Шу билан бирга Самарқанддаги Шоҳизинда, Тошкентдаги Ҳазрати Имом каби қатор мажмуаларда улкан бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шубҳасиз, жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортадиган бундай байрамлар Ўзбекистон ва унинг халқи дунё маданияти тараққиётига нечоғлик катта ҳисса қўшганини яна бир бор ёрқин ифода этди.

Инсон маънавий оламини кашф этадиган, унинг тафаккур қудратини намоён этадиган воситалар борки булар сўз санъати, бадий адабиёт, илму фандир. Шу ўринда мамлакатимизда Тошкент ва Навоий шаҳарларида Алишер Навоий, Фарғона шаҳрида Аҳмад Фарғоний, Урганчда Муҳаммад Мусо Хоразмий, пойтахтимизда Мирзо Улуғбек, Ғофур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия сингари олимлар ва адибларимизга ҳайкаллар ўрнатилиши,

катор ёзувчиларимизнинг Ватанимизнинг энг юксак мукофоти бўлган “Ўзбекистон Қаҳрамони” ва Давлатимизнинг бошқа юксак унвонларига сазовор бўлаётганлиги истиклол йилларида ўзбек илм-фани ва адабиётига берилаётган юксак эътибор намунасидир.

Бирон-бир халқ маънавиятига хос кадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олинishi табиийки шу халқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида буюк аجدодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги барчамизни қувонтиради. Шу ўринда Белгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Боку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ҳурмат сифатида муаззам ҳайкалларнинг ўрнатилиши ҳар бир Ватандошимиз қалбида чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади.

Истиклол туфайли кўҳна кадриятларимиздан бири бўлган янгиланиш ва эзгулик тимсоли -“Наврўз” байрами чинакам маънода одамийлик меҳр-мурувват, саҳоват каби олийжаноб урф-одатларимиз, халқимиз дилида минг йиллар давомида яшаб келаётган ўлмас санъатимизнинг бетакрор ифодачисига айланди.

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш каби ибратли кадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар йили мамлакатимизда Наврўз ва Мустақиллик байрамларини нафақат кенг тантана қилиш, балки бу байрамлар арафасида умумхалқ хашарлари, ободонлаштириш ойликлари ўтказиш, бундай хашарлар пайтида маҳалла гузарлари, йўллар ва майдонлар, боғу роғларни тартибга келтириш, дов-дарахтлар ўтказиш, кам таъминланган, мухтож оилалар, ёлғиз ва қаровчисиз кексаларга амалий ёрдамлар кўрсатиш эзгу анъанага айланди.

“Маълумки ўзлигимизни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”

1989 йилнинг 21 октябрь куни қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Халқимизнинг муқаддас кадриятлардан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди.

Қабул қилинган қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумотлар олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилди

Бугунги кунда юртимизда динлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, диний бағрикенглик фуқаролар тотувлигининг муҳим омилларидан бирига айланди. Мустақиллик йилларида дин мавзуида қатор симпозиумлар, чунончи, муҳим саналар, бутун дунёга машҳур мутафаккир алломаларимизни юбилейларига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Ислом динининг бой меросини чуқур ўрганиш мақсадида 1995 йил Тошкентда Ислом тадқиқотлари халқаро маркази ташкил этилди. 1999 йил апрелида Президент Ислом Каримовнинг “Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. 2007 йилда таълим, фан ва маданият соҳасидаги халқаро Айсеско ташкилоти томонидан Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти, деган юксак номга сазовор бўлди. Тошкент шаҳридаги Хазрати имом мажмуаси, Тошкент ислом университетида қисқа вақт давомида амалга оширилган ишлар яна бир қарра ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга намоён этди.

Маълумки, “дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми

сифатида одамзотнинг юксак идеаллар, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”.

Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маънавиятимиз ва турмуш тарзимиз, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, инсонийлик, меҳр оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатларни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келмоқда. 2008-йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида хорижлик ва маҳаллий уламолар, олимлар ва кенг жамоатчилик иштирокида "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равнақиға қўшган ҳиссаси" мавзuidaги халқаро конференция; 13-14 ноябрь кунлари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида "Ўзбекистон - ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти" мавзuidaги анжуман ташкил этилди.

1993 йил сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги нишонланди.

1995 йил ноябрь ойида Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги нишонланди.

1998 йил октябрь ойида Имом ал-Бухорийнинг ҳижрий тақвим бўйича 1225 йиллиги нишонланди.

2000 йил ноябрь ойида Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллиги ва Бурхониддин ал-Марғинонийнинг 910 йиллиги нишонланди.

2003 йил ноябрь ойида Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллиги нишонланди.

2003 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 60 йиллиги нишонланди.

2004 йил декабрь ойида Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг махсус

фармонлари билан Қурбон ва Рамазон ҳайитларининг биринчи кунлари дам олиш кунлари деб эълон қилинди.

1992 йил 2 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

1999 йил 7 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Тошкент Ислон университети ташкил этилди. 2003 йилда биринчи бакалавр-талабалар, 2005 йилда эса биринчи магистр-талабалар ўқишни якунладилар. Университет қошида академик лицей ва мактаб-гимназия фаолият кўрсатмоқда.

2003 йил 11 август куни Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислон университети битирувчиларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

2003 йил 22 август куни Вазирлар Маҳкамасининг "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

2003 йил 17 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

2004 йил 27 май куни Вазирлар Маҳкамасининг "Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

2004 йил 16 июль куни Вазирлар Маҳкамасининг "Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

2006 йил 28 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича

Жамоатчилик кенгаши тузиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

2007 йил 8 июнь куни Вазирлар Маҳкамасининг "Усмон Мусхафи"ни талаб даражасида сақлашни таъминлаш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 май кундаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги Бош консуллиги таркибида Ҳаж ва Умра масалалари билан шуғулланувчи атташе лавозими ташкил этилди.

2008 йил 23 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Имом Бухорий халқаро марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

2008 йил 7 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

2007 йилда Тошкент шаҳрининг "Ҳастимом" даҳасида қисқа муддатлар - тўрт ой ичида ўз ичига "Ҳазрати имом" масжиди, "Бароқхон" мадрасаси, "Муйи муборак" зиёратгоҳи, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг янги биноси ва бошқа масканларни олган янги мажмуа қуриб битказилди.

2004 йил 3-10 октябрь кунлари АҚШ нинг Вашингтон шаҳрида Р.Никсон маркази томонидан ташкил этилган "Давлат ва дин, конфессиялараро бағрикенглик: Ўзбекистон мисолида" мавзусида конференция бўлиб ўтди. Мустақиллик йилларида республикада Қуръон (уч марта), Қадимги Аҳднинг 16 китоби ва Янги Аҳд тўлалигича ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилди.

2004 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Республика Кўрлар жамияти билан ҳамкорликда тайёрланган Брайл ёзувидаги Қуръони карим китоби тақдирот маросими ўтказилди. Ўзбекистон мазкур хайрли амалиётни амалга оширган жаҳоннинг учинчи мамлакати бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда 24 мингга яқин кўзи ожизлар истиқомат қилмоқда. Эндиликда махсус мактаб-интернатлар, кутубхоналар

хамда барча истак билдирганлар мазкур Қуръондан фойдаланишлари мумкин.

Ўтган йиллар давомида бу борадаги тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, беғуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотираси абадийлаштириш йўлида хайрли қадамлар қўйилди.

2000 йили пойтахтимизнинг Юнусобод туманида қатағон йилларида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари қатл этилиб, ном-нишонсиз кўмиб ташланган, неча йиллар давомида қаровсиз қолиб келган Бўзсув канали соҳилидаги Алвастикўприк деб ном олган жарлик ўрнида “Шаҳидлар хотираси ҳиёбони” ва кейинчалик шу номда музей ва жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан эътиборан 31 август юртимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Ҳар йили 31 август тонгида бу масканда халқимизнинг қадимий урф-одатларига кўра ош тортилиб, Қуръон тиловат қилиш, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакилларининг бу ерга келиб, марҳумларни ёд этиши, уларнинг руҳига ҳурмат бажо келтириши ибратли анъанага айланди.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида 9 май ҳар йили Ғалаба куни сифатида байрам қилинар, дабдабали ҳарбий парадлар ўтказиларди. Бу борада ҳам муҳим қадам қўйилиб, мазкур сананинг асл инсоний маъно-моҳияти тикланди. Пойтахтимизда, вилоят ва туманларда совет мафқурасини ўзида ифода этган эски ёдгорликлар ўрнига халқимизнинг руҳи ва қарашларига ҳамоҳанг бўлган Хотира майдони ташкил этилиб, Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. 9 май мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди.

Ана шу майдонларда барпо этилган ёдгорлик мажмуаларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари махсус лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Улар ҳақидаги маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат “Хотира” китоби чоп этилди.

Ўтаётган ҳар бир кун тарихга айланиб бормоқда. Қайси бир халқ вақтдан оқилона фойдаланиб, эзгу орзу-ниятларни рўёбга чиқарса, шу йўлда фидокорона меҳнат қилиб, нузли келажакка замин яратса, ўша мамлакат обод, ўша халқнинг обрўи, қадди-басти баланд бўлиши шубҳасиз.

Халқимиз, давлатимиз раҳбари бошчилигида, ана шундай бунёдкорлик йўлидан бориб, мангуликка дахлдор мўътабар ишларни амалга оширмоқда. Буни биз ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Айниқса, мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдонида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари диққатга сазовордир. Бугун бу мўътабар маскан Ватанимиз, тараққиётимизнинг ва эзгу интилишларимизнинг мумтоз тимсолига айланди.

Мустақиллик майдони халқимиз озодлигининг, аجدодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, “Эзгулик аркаси” ватандошларимиз учун азиз ва муқаддас тимсолга айланди. Зеро, ҳар бир қалб эзгуликка интилиб яшайди. Дунёда яхши ният, орзу-истаксиз одамнинг ўзи йўқ. Бугунги кунда бу дарвоза остонасидан ўтаётган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлмоқда”.

Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда ҳам кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси, Сенат бинолари, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Янги маъмурий бино, Бизнес маркази, Ёшлар ижодий маркази фойдаланишга топширилди.

Бундай катта бунёдкорлик ишлари туфайли бугунги кунда бу масканнинг нафақат қиёфаси ўзгарди, балки у бутунлай янгича маъно-мазмун касб этди. Бу майдон нафақат юртдошларимиз, балки

мамлакатимизга ташриф буюрган Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, мўътабар меҳмонлар зиёрат қиладиган қутлуғ маконга айланди.

Мустақиллик туфайли мусиқа, маданият, амалий ва тасвирий санъат каби йўналишлар ривожига катта эътибор берилди. Республика Президентининг ташаббуси билан Тошкентда янги, замонавий Давлат консерваторияси барпо этилди. Ўзбекистон миллий академик драма театри, Рус академик драма театри, Тошкент Давлат санъат институти, Тасвирий санъат галереяси учун янги, мухташам бинолар қуриб берилди ва улар бугунги кунда минглаб санъат ихлосмандларини ўзига жалб қиладиган маданият масканларига айланди.

Ўзбекистон машҳур мусиқа ва театр фестивалларига, ижрочилар танловлари ва кўргазмаларга ҳам мезбонлик қилмоқда. Хусусан, йил сайин иштирокчилар сони кўпайиб бораётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали бутун жаҳон маданий жамоатчилиги ўртасида кенг шуҳрат қозонмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда халқимизнинг кўҳна анъаналари, асрлар давомида шаклланиб келаётган халқ амалий санъатини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Минатюрочи рассомлар, кулоллар, наққошлар, тикувчилар, гилам тўкувчилар ҳақиқий санъат асарларини яратиб, жаҳон миқёсидаги халқаро кўргазма ва танловларда муваффақиятли иштирок этмоқдалар. “Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин, мухтасар қилиб айтганда, ана шундай янгиланиш жараёнлари туфайли бугун одамларимиз онгу тафаккури, уларнинг Ватан тақдирига, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати тубдан ўзгармоқда. Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда. Эл-юртимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, аҳолимизнинг амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларга дахлдорлик ҳисси, мамлакатимизнинг келажагига бўлган ишончи ортиб бормоқда.”

III Боб. ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ ХОТИРА ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСНИ ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Президент И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида тарихий воқеликка муносабат

Президент И.А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар ва оммавий ахборот ходимлари билан учрашувидан сўнг унинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асари чоп этилди. Бу асар тарих фани ривожига янги-янги илмий йўналишлар, тарихга муносабат масаласида янги қарашларнинг пайдо бўлишига асос бўлди.

И.А. Каримов ўзбек халқининг тарихий ўтмишини, унинг давлатчилиги тарихини ўрганишда ягона илмий концепциянинг йўқлиги хусусида гапириб, тарихчи олимларни бу соҳага диққат-эътиборини янада кучайтиришга чақирди. Президент таъкидладики, «ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур»²¹. Тарихни ёритишда бирёқламалikka, субъектив фикрларга йўл қўймаслик зарур, «фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»²².

Президентимиз ҳар бир ўзбек фарзанди «менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган»²³ деган саволларни ўзига-ўзи бериши кераклигини қайта-қайта уқтиради. Бу масалада «Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми?»²⁴ деган зарурий саволни беради ва Шўролар даврида, ўзгалар ёзиб берган сохта ғоялар асосидаги тарихни қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлайди. У рус олимларининг илмий тадқиқотларини камситмаган ҳолда ўзбек олимларига қарата мурожаат қилади: «шундай улкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий- сиёсий,

²¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. - Тошкент, 1999. – Б. 134.

²² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... – Б. 134.

²³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... – Б. 136.

²⁴ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... – Б. 137.

иктисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган тадқиқотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машғул, қайси қарашаяпти? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган?»²⁵. Янгидан шаклланаётган мустақил Ўзбекистон давлати бошида турган инсон сифатида Президентимиз бу ишга жонини, борлигини беришга тайёрлигини, давлатчилик масаласи тобора ҳаётий мазмунга эга бўлиб бораётганлигини таъкидлайди. Бу масаланинг ечимини нафақат Президент, балки бутун халқ билишни истаётганлигини айтади. «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим»²⁶. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш ҳозирги вақтда ўта долзарб масала бўлиши билан бирга, ўткир сиёсий аҳамият касб этаётир: «Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган деб, орқаворотдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор... Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу давронинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир»²⁷.

Қадим тарихимиз борасида Юртбошимизнинг айтган фикрлари тарихчи олимларга дастуруламал бўлиб қолмоқда. «Бугунги бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг маҳсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халқ яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо

²⁵ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... - Б. 138.

²⁶ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... Б. 138.

²⁷ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... Б. 139.

бўлганми?»²⁸ деган саволлар бугунги кун учун ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. Негаки, давлатчилик тарихи муаммолари билан моддий ва ёзма манбалар асосида ўрганилади. Давлатчилик тарихини яратишда Президентимизнинг куйидаги гаплари ҳар бир тарихчи олимларга тарихи ўрганишда дастуриламалга айланиб бормоқда: «Ҳар қандай цивилизация кўпдан - кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва ўзаро самарали таъсирининг маҳсулидир...»²⁹.

Тарихчи олимлар «...сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»³⁰. Президентимиз ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишларини нимадан бошлаш кераклиги хусусида фикр юритиб таъкидладики, «энг аввал кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, кўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан зарур... Аниқ, босқичлари белгиланган дастур асосида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилади»³¹. Иш услубимиз аниқ, тарихимизни яратишнинг дастурий йўл-йўриқлари ёрқин кўрсатиб берилган. Демак, гап энди ҳар бир илмий муассаса етук кадрлар билан таъминланишида, танланган мавзулар бўйича илмий ишларни ҳар томонлама пишиқ-пухта ташкил этишларида қолган.

«Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари»ни ўрганиш тарихчиларимизнинг долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Бу мавзу фақат археология фани ва археологик манбаларни Қадимги Шарқ дунёси илк давлатчилиги билан,

²⁸ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... Б. 146.

²⁹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... Б. 146.

³⁰ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... - Б. 153.

³¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... - Б. 153.

аниқроқ қилиб айтсак, Месопотамия, Қадимги Ҳиндистон, хуллас Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида бронза даврида шаклланган шаҳар-давлатлар тарихи билан таққослаш усули воситасида ўз ечимини топади. Президентимиз таъкидлаганидек «мазкур вазифани амалга ошириш учун Академияга карашли Тарих, Шарқшунослик, Археология институтлари ўз иш фаолиятини ўзгартиришини замон талаб қилмоқда»³².

Тарихчилар билан бўлган учрашувда Президентимиз, ўзбек давлатчилиги тарихини бирламчи манбалар асосида ёритиш шарт эканлигини алоҳида таъкидлаган эди.

“Ўзбек давлатчилиги тарихи” мавзусининг ижодкори Президент И.А. Каримовдир. Мустақилликкача бу ибора тарихчилар томонидан қўлланилган эмас. Бу билан тарихчилар Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг шаклланиши мавзуси билан шуғулланмаган,- дейишдан йироқмиз. “Ўрта Осиёда илк синфий муносабатларнинг шаклланиши”, “Аҳамонийлар империясига қадар Ўрта Осиёда кечган давлатчилик муносабатлари” каби мавзулар тарихчилар томонидан қизғин муҳокама этилган бўлса-да, давлатчилик маҳаллий халқларнинг миллий давлатчилиги тарихи сифатида талқин қилинмади.

Истиқлол берган катта имконият туфайли ҳаммамизга ўтмиш бағрига «яшириб қўйилган» маънавий меросимиздан баҳраманд бўлиш насиб этди. Харобага айланган меъморий обидаларимиз қайта тикланди ва ўзини дунёга намоён этмоқда. Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди.

³² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ ... - Б. 153.

3.2. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг тарихий аҳамияти.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида муаллиф буюк тарих, маданият ва маънавият эгаси бўлган халқнинг фарзанди, бугунги дунёда кечаётган глобал жараёнларнинг маъно-мазмунини теран англайдиган, унинг мафкуравий, геосиёсий манзарасини аниқ тасаввур этадиган улкан тафаккур соҳиби, атоқли давлат ва сиёсат арбоби сифатида кўпчиликни ўйлантираётган мураккаб муаммоларни холис ва ҳаққоний таҳлил қилиб беради. Ҳозирги шиддатли ва шафқатсиз замоннинг ҳар қайси миллат, жумладан, бизнинг халқимиз олдида қўяётган талабларини очиқ баён қилади: «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан қўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзи бўларчилиқка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин».

Атбатта, бугунги дунё бошдан кечираётган глобаллашув жараёни инсоният учун катта-катта имкониятлар эшигини очиб беради. Лекин, афсуски, дунёдаги айрим кучлар шундай ҳам мураккаб бу жараёни янада мураккаблаштириш, образли қилиб айтганда, сувни янада лойқалатиб, истаганча балиқ тутишга зўр бермоқда. Хусусан, доимо зўравогошк ва гегемонлик ҳисобидан бойлик орттириб келган кучлар мана шундай талотўплардан фойдаланиб, «оммавий маданият» ғоясини кенг тарғиб этмоқца.

Шу маънода асар муаллифининг қуйидаги фикрлари барчамизни сергак торттириши зарур: «Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва

ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак».

«Оммавий маданият»нинг таг-заминида аввало тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини бугунги замонавий фан ҳам эътироф этади. Ҳақиқатан ҳам, ёт мафкуралар ҳар доим эркин бозор муҳитида харидоргир товарлар билан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Туя карвонида бўла-дими ёхуд кема юкхонасида бўладими — қандай шаклда бўлмасин, олиб келинаётган товар ёнида ҳамisha муҳим сиёсий «махсулот» — ғоя бўлган ва у бошқа моллар қатори экспорт қилинган. Айнан ана шу тактика «универсал маданият» экспортида бугун ҳам фаол қўлланмоқда. ғ Маданият — аслида нисбий тушунча. Бу тушунчанинг шаклланишида кишини ўраб турган муҳит, яшаш шароити, муносабатлар тизими алоҳида ўрин тутди, десак, хато бўлмайди. Ўтибор берганмисиз, сўнгги тўрт-беш йил ичида миллий турмуш тарзимизга мутлақо ёт ва бегона бўлган зарарли одатлардан бири «Валентин куни»ни нишонлаш баъзи ёшлар орасида қандайдир «мода» тусини олмоқда. Бу ўз навбатида юқорида зикр этилган, глобаллашувни сунъий тезлаштиришга ҳаракат қилаётган ва шундан манфаат топаётган кучлар учун айни муддао.

Ўзингиз ўйланг, ота-боболаримизнинг тушига ҳам кирмаган «Валентин куни»да аксарият кўнгилочар жойлар ва дам олиш масканлари «ошиқ-маъшуқ»ларни байрам дастурхонига (текинга эмас, албатта!) таклиф этади: хусусий радиостанциялар маъниматрасиз, бўлмағур кутлов ва но-маларни ўкиб эшиттиришдан чарчамайди. Ҳолбуки, ўша биз танимайдиган, балки танишимиз унча шарт ҳам бўлмаган Валентин «бобо»нинг номига мадҳу санолар ёғиладиган айёмда, яъни 14 февраль санасида буюк аждодимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган. Беихтиёр шундай хаёлга борасиз: нима, мақсад — Бобур Мирзодек боболаримизни яна хотирамиздан сиқиб чиқариб, уларнинг ўрнига Валентин «бобо»ларни сингдириш, бизни

ўзлигимиздан айиришми? Ахир, биз бундай мудҳиш кунларни, синов ва имтиҳонларни яқиндагина бошимиздан кечирган эмасмидик? Бугун ўша коммунистик хатарлар ўрнини бошқа бир хатар — «универсал маданият» ниқобидаги таҳдид эгаллаб олмаяптими?

Бу ҳақда ўйлар эканмиз, китоб муаллифининг бир зум ҳам ҳушёрликни кўддан бермаслик ҳақидаги огоҳлантиришлари нақадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Маълумки, ҳар қандай зарарли ғоя одамни ичидан емиради, ўзини англашига салбий таъсир этади. Шу маънода, Президентимизнинг 1998 йида «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобидаги «Баъзан беозор бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафқуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади», деган фикрларида улкан ҳақиқат бор.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, технократик жараёнлар ҳар қанча кудратли ҳаракат касб этмасин, бу ҳаётни оддига бошлайдиган, унга маъномазмун бахш этадиган куч барибир маданият ва маънавият бўлиб қолаверади. Мустақил тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир миллат учун ахлоқ ва миллий маданиятни сақлаш — энг долзарб ва устувор вазифалардан биридир. Чунки, ахлоқ миллий табиатни шакллантирадиган асосий омилдир.

Маълумки, ахлоқнинг туб моҳиятида диний қадриятлар алоҳида ўрин тутди. Лекин собиқ совет даврида ана шу оддий ҳақиқат унутилиб, «коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» деган сохта ва сунъий тамойилларни жорий этишга зўр берилган эди. Маънавий таҳдидларнинг энг хатарли жиҳати эса миллий жамиятларнинг ахлоқий тамойилларига таҳдид солишида намоён бўлади. Миллий ахлоққа тажовузнинг беозор, ҳатто кимларгадир ёқимли бўлиб кўринадиган шакли — бугунги кунда «оммавий маданият» деб тарғиб этилаётган ҳодиса билан боғлиқ. Оммавий маданият энг аввало миллий ахлоқни заифлаштириб, жамиятнинг ғоявий тизимини издан чиқариши билан хатарлидир.

Аёнки, ҳозирги вақтда ҳар қайси халқ ёки мил-латнинг маданий

савиясини кўрсатадиган мезонлар мавжуд. Энг асосийси — интеллектуал онг, юксак маънавият, асрий анъаналарга таянадиган, замонининг миллий этикоддир! Демак, маданий ҳаётга шунчаки бир ижтимоий воқелик сифатида қараш тўғри эмас. Аксинча, уни миллий ғояга туртки берадиган, унга таянч ва суянч бўладиган куч сифатида қабул қилиш лозим.

Китобда алоҳида таъкидланганидек, Шарқ дунёсида ўзига хос демократик институт саналмиш оиладаги соғлом маънавий-ахлоқий муҳит ҳамма замонларда ҳам маънавият кўрғони бўлиб келган. Бу ҳақда донишманд боболаримиз ҳам кўпгина ибратли фикрларни билдирган. Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат «Оила» рисоласида ахлоқ-одобда намунали авлодни тарбиялаш нафақат бир миллат ёки халқ учун, айти пайтда бутун инсоният учун ғоятда муҳим эканини зикр этиб, «Кимки бадахлоқ болаларни тарбия этса, инсониятга хизмат эмас, балки душманлик қилган бўлади», деб ёзган эди.

Бугунги кунда юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш масаласи ўта долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилаётган экан, бунда фарзандларимизнинг наинки жисмоний, шу билан бирга, ахлоқий ва маънавий баркамол бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланаётганини унутмаслигимиз зарур. Чунки қалб кўзи очик, маънавий томондан бакувват одамгина жамият талабларига онгли муносабатда бўла олади, бугун биз интилаётган буюк келажакни барпо этишга, дунё майдонида бошқалар билан барча соҳаларда мусобақага киришга қодир бўладиу?

Лекин, очик тан олишимиз лозимки, «оммавий маданият» хуружини ҳали ҳамма ҳам тулиқ англаб етаётгани йўқ. Бу таҳдиднинг эртага қан-дай оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини кўпчилик ҳаёлига ҳам келтирмаяпти, таъ-бир жоиз бўлса, улар ғафлат уйқусида. Ҳолбуки, яқин-йироқ юртларда «оммавий маданият»нинг аччиқ, тахир мевалари — оила институтининг дарз кетиши, ахлоқсизлик ва беҳаёликнинг авж олиши, ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибат йўқолиб бораётгани, бир жинсли никоҳлар — буларнинг барчаси бизнинг кўзимизни очиши керак.

Минг афсуски, маданий ҳаётимизда фан номзодлари ва фан докторлари сони тобора ортиб бораётгани сари маънавият майдонида фидойилар, ҳақиқий маънавий жасорат соҳиблари, аксинча камайиб бормоқда. Бундай карасангиз, зиёлилар кўпга ўхшайди, лекин улар-нинг таъсири, нуфузли сўзи етарлича сезилмаяпти — «оммавий маданият»нинг асл моҳиятини очиб, унга қарши кураш йўлларини кўрсатиб берадиган публицистик чиқишлар, илмий ва амалий кўлланмалар камдан-кам пайдо бўлмоқда.

«Оммавий маданият», туб моҳиятига кура, ғ) миллий маданиятларнинг кушандаси, у маданий хилма-хилликни хушламайди, бу оламни яқраб кўриш унинг асл мақсади. «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида бу ҳавфга қуйидагича баҳо берилади: «Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қупоришга қаратилган ҳатари таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди».

«Оммавий маданият» кўплаб жамиятларни сунъий, сохта идеаллар билан қалғитибгина қолмасдан, одам боласи учун муқаддас бўлган табиий жуфтликни инкор этади, ғайриинсоний ахлоқ ва муносабатларни қонунийлаштиради ва буни эркинликнинг олий намунаси деб кўз-кўз қилади. Ана шу жараёнлар чуқур таҳлил этиб берилган Ғарб олимлари Элвин Тоффлернинг «Учинчи тўлқин», Патрик Бьюкененнинг «Ғарбнинг ҳалокати» каби асарлари дунё миқёсида шов-шувларга сабаб бўлаётгани ҳам бежиз эмас.

Модомики, «оммавий маданият» ғоя экан, унга қарши қандай ғоя билан курашамиз? «Оммавий маданият»га куч бахш этиб турган биз-несга-чи? Унга нимани қарши қўямиз? Ана шу саволларнинг ўзиёқ «оммавий маданият»га қарши туриш осон кечмаслигини кўрсатади.

Одатда бу масалага ечим сифатида тарбия миллий бўлиши зарурлиги, ёшларни миллий руҳда вояга етказиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланади.

Лекин яна бир ҳақли савол туғилади: ёш авлодни миллий руҳца ким тарбиялайди?

Бизнингча, бунинг учун тўла маънода миллий руҳни ўзида мужассам этган жамиятнинг интеллектуал элитасини шакллантириш зарур. Кези келганда айтиш жоизки, хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш давр талаби, аммо шунинг ўзи интеллектни белгиловчи бирдан-бир мезон ёки ўлчов бўла олмаслигини эътибордан соқит қилмаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам кенг миқёсда ривожланаётган глобаллашув жараёнида миллатга хос бўлган барча сифатларни жамиятнинг интеллектуал элитаси сақлаб қолиши, ўз навбатида ёшларнинг қалби ва онгига чуқур сингдириши, келгуси наслларга етказиши мумкин.

Президентимиз бундан уч йил олдин 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан журналистлар билан ўтказган суҳбат-мулоқотида шу масала хусусида тўхталиб, Интернетни катта бир дўконга қиёслаган эди. Бу дўконга кирган одам ўзига керакли молни харид қилади. Лекин, гап мана шу дўкондан нимани олишда, деган эди (Юртбошимиз) Мулоқотда адабиёт, илм-фан, мусиқа, санъат, спорт ва бошқа иж-тимоий-гуманитар соҳалар бўйича сайтлар яратиш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди. Шу маънода, миллий тараққиётга хизмат қила оладиган анъана ва қадриятларни безавол сақлаш ва уларни кенг тарғиб этишнинг янги, ноанъанавий ва таъсирчан усул ҳамда услубларини ишлаб чиқиш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Мустабид тузумнинг узоқ давом этган зуғум ва хуружлари халқимизнинг иродасини буколмади, ўзлигидан, кўхна қадриятларидан айиролмади. Бироқ собиқ империя қулаши билан коммунистик мафкура ўрнига «оммавий маданият» хуружи бошланди. У замонавий қиёфада — гўё ривожланган маданий дунёга интеграциялашиш, либераллашиш, демократлашиш ниқобида намоён бўлмоқда. Китоб муаллифи бу хатарга қарши курашнинг мустаҳкам механизмини шакллантириш лозимлиги ҳақида куюнчаклик билан фикр юритар экан, «оммавий маданият» ниқобидаги тушунчалар билан умуминсоний қадриятлар ўртасидаги тафовутни нозик

илғаш муҳимлигини таъкидлайди.

Демоқчимизки, «оммавий маданият» ниқобидаги хуружларга қарши курашишда халқимизда асрлар синовидан ўтиб келаётган иммунитет мавжуд. Аммо бу таскин олдимизда турган таҳдидларга бепарво қараш ёхуд бемалол ва хотиржам яшашга асос бўлмайди. «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ўринли таъкидланганидек, «...юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак».

Инсонни, унинг қалбини тушуниш қанчалик қийин бўлса, маънавиятни тушуниш ҳам шунчалик қийин ва мушкул ишдир. Чунки, томчида куёш акс этганидек, инсоннинг мўъжаз калбида бутун олам ўзининг бор мураккаблиги, ранг-баранг қирралари, зиддият ва қарама-қаршиликлари билан мужассам бўлади.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида ўқувчини «маънавият» деб аталадиган ана шу сирли оламга олиб кирадиган йўл ва усул, таъбир жоиз бўлса, сирли калит топилган. Бу — муаллифнинг инсонга, ўз халқига, унинг буюк маънавиятига, юртимиз ёшларига бўлган меҳри ва муҳаббати, уларни асраб-авайлаш, бахтли ва саодатли кўриш орзусидир. Муаллиф инсонни инсон қиладиган, уни рухан юксалтириб, улуғ ишларга даъват этадиган бекиёс куч — маънавиятга таянган ҳолда, ўз юртини янада обод ва фаровон қилиш, унинг ёруғ келажагини таъминлаш, бу замин фарзандларини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар этиб вояга етказиш ҳақида қайғуришни ўз қарашлари учун энг муҳим пойдевор деб билади. Айнан ана шундай мезон асосида фикр юритади ва «Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак» деган ҳаққоний хулосага келади.

Китобдаги барча боб ва фасллар муаллиф томонидан илгари сурилган ана шу қоида, яъни «Маънавиятни тушуниш — инсонни тушуниш-дир» деган принципга асосланади. Бир сўз билан айтганда, маънавият ва инсон масаласи китобнинг бош ғояси, асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Муаллиф ўз халқининг бугунги ва эртанги ҳаёти ҳозирги пайтда дунёнинг қандай йўлдан бориши, қандай ривожланишига боғлиқ эканини, яъни хусусий омиллар ўз-ўзидан умумий омиллар таҳлилини талаб этишини чуқур ҳис қилади. Шу боис нафақат ўз халқи ва Ватани, балки бутун инсониятнинг тақдири ва келажаги уни безовта этади.

Асарда бугун жаҳон миқёсида кузатилаётган ижобий жараёнлар билан бир қаторда баъзи нохуш тенденциялар ҳақида фикр юритар экан, муаллиф ўзини қийнаётган саволларга одамзот-нинг кўп мингйиллик тарихидан, аجدодлар меросидан, қадимий қадрият ва анъаналардан жавоб топади. Шу тариқа маънавият масаласини ҳам тарихий, ҳам замонавий асосда кенг таҳлил қилади, зарур сабоқ ва хулосалар чиқаради. Ана шундай теран кузатишлар асосида ҳаётдаги кўпгина чигал жумбоқлар айнан маънавиятга нотўғри муносабат, маънавий фазилатлардан маҳрум бўлиш, бу буюк бойликни турли сабаб-лар билан қўлдан чиқариш натижаси эканини, одамзот маънавиятсиз тубанлик сари йўл олишини ҳар томонлама чуқур асослаб беради. Шу билан бирга, бугунги кунда башарият олдида кескин бўлиб турган бир-биридан қалтис ва таҳликали муаммоларнинг ечими ҳам инсоннинг ўзида — унинг енгилмас куч бўлган маънавиятида, деган хулосага келади.

Маълумки, ҳозирги илм-фанда тизимли ёндашув (системний подход), тизимли таҳлил (системний анализ) деган тадқиқот ва тафаккур усуллари устувор ҳисобланиб, алоҳида кадр-ланади. Шуниси диққатга сазоворки, «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби айнан ана шундай илмий принциплар асосида яратилган. Масалан, асарда «маънавият», «миллий ғоя», «қадрият», «глобаллашув», «маънавий жасорат» каби бир қатор тушунчалар ҳақида сўз юритилар экан, аввало уларнинг илмий таърифи, сўнгра шу ҳодисаларнинг инсон, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, уларнинг ўзига хос ва зиддиятли томонлари баён қилинади, тарихдан ва бугунги кундан, халқимиз ва бошқа миллатлар ҳаётидан аниқ мисоллар келтирилади. Яъни, муаллифнинг фикрлаш тарзи оддий ҳаётий

тушунчалардан мураккаб умумбашарий жараёнлар сари ўсиб, ривожланиб, карашларининг қамрови бениҳоя кенгайиб бораверади. Бамисоли ўқувчи ҳам бу жараённинг иштирокчисига айланиб, китоб мутолаасидан руҳан бойиб, дунёқараши кенгаяди, маънавият деган бекиёс қудратнинг кучи ва таъсирини ўз вужудида, ҳар бир ҳужайрасида ҳис этгандек бўлади.

Энг муҳими, китобда қўлланган бундай тизимли ёндашув таҳлил этилаётган тушунчалар билан боғлиқ долзарб вазифаларни ёритиш, амалий таклиф ва мулоҳазаларни илгари суриш билан ўзининг мантикий якунига етади. Натижада ўқувчи ўзини қийнаган, ўйлантирган кўп саволларга жавоб топгандек бўлади. Китобни ўқиш унинг учун шунчаки мутолаа эмас, балки том маънодаги самимий мулоқот, жонли фикр алмашувга, ўзини билиш, халқини, унга хос бўлган асл хусусиятларни англаш жараёнига айланади.

Яна бир муҳим хусусият шундан иборатки, муаллиф ҳар бир тушунчанинг диалектик моҳиятини очишга — унинг сабаб ва оқибатини, ҳам ижобий, ҳам салбий қирраларини таҳлил этиб, бир бутун ва яхлит манзарасини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Айниқса, китобда инсон ва маънавият тушунчаси ўзаро диалектик боғлиқликда таҳлил қилинганини алоҳида қайд этиш жоиз, деб

ўилаймиз. Муаллиф маънавиятнинг инсон, жамият ва давлат ҳаётидаги бекиёс ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, уни идеаллаштирмайди. Аксинча, бу масала билан боғлиқ зиддиятли жиҳатларни ҳам ҳаққоний тарзда таъкидлаб ўтади. «Тан олиш керакки, юксак маънавий тушунчалар билан яшашга ҳаракат қиладиган одамшнг бугун ҳам кўп машаққатларни, оғар синов ва тўсқндар, муаммоларни енгиб ўтишига тўғри келади, — деб уқтирилади китобда. — Агар-ки эътибер берсак, тилимизда ҳалоллик ва но-поклик ҳақидага ибратли ҳикматлар билан бирга, «Йўлини тонибдими, кандни урсин», «Ўзумини енг-у, боғини суриштирманг» деган мақоллар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Албатга, бундай мақол-маталлар бежиз найдо бўлмаган, улар ҳам маълум бир ҳақиқатнинг ифодаси. Бинобарин, биз ҳаётнинг маъно-мазмунини шундай тушуниб, шу асосда яшашга интиладиган

кишилар ҳам борлигини инкор этолмаймиз». Муаллиф инсонлар нақадар хилма-хил ва бетакрор бўлса, уларнинг маънавий олами ҳам шунчалик ранг-баранг ва мураккаб эканини эътироф этади. Баъзида одамлар таяниб яшайдиган маънавий мезонлар ҳам бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлиши ҳақида фикр юритар экан, бундай деб ёзади: «Мана шундай икки хил дунёқараш асосида пайдо бўладиган оғар саволлар одамзот онгли яшай бошлаган замонлардан буён уни ўйлантириб, қийнаб келади. Ҳаёт моҳиятини англаб етишга ўз умри, билим ва салоҳиятини бағишлаган не-не буюк зотлар, мутафаккир файласуфлар, аллома ва азиз-авлиёлар — миллати, тили ва динидан қатъи назар — шу каби мураккаб муаммоларга жавоб топиш учун изланган, бу мавзуда қанча-қанча асарлар яратган. Лекин бу савол бугунги кунда ҳам ҳануз ўткир ва долзарб бўлиб қолаётганини инкор этиб бўлмайди».

Бошқача айтганда, бу ҳаёт фақат маънавиятни эзгуликдан иборат деб биладиган инсонлардан иборат эмас. Афсуски, ўзининг нопок, қинғир-қийшиқ ишларини ҳам маънавий жиҳатдан оқлаб, фақатгина шахсий манфаат асосида яшамоқчи бўлган кишилар ҳам оз эмас. Муаллиф бизни ана шундай инсонлардан огоҳ этади, маънавият ана шундай кучларнинг манфаатига эмас, олижаноб мақсадларга хизмат қилиши кераклигини таъкидлайди.

Китобда моддий ва маънавий оламнинг муштараклигига ҳам диалектик нуқтаи назардан баҳо берилади: «...аввало шуни айтиш керакки, бу кўҳна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит воқелиқдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бирёқлама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди».

Айтиш керакки, маънавият билан боғлиқ бошқа кўпгина муаммолар қатори бу ўринда — моддий ва маънавий оламнинг ўзаро узвий боғлиқлиги масаласига ҳам инсонни тушуниш, инсонни тадқиқ этиш орқали ёндашилади: «...инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир».

Дарҳақиқат, моддий ва маънавий олам инсон тимсолида бирлашади.

Асарда маънавиятга хос яна бир муҳим масаланинг диалектик моҳияти, яъни бу ҳодиса қанчалик универсал — бутун одамзотга хос бўлса, айти пайтда шунчалик индивидуал ҳодиса экани ҳам ёритиб берилади. Шу асосда «ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами бор», деган хулоса чиқарилади.

Маълумки, бугунги нотинч дунёда инсоният бошига хавф солиб турган глобал таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Бу — ядровий, кимёвий ялпи қирғин қуроллари хавфи, технологик ҳалокатлар хавфи, бу — табиий ва экологик офатлар хавфи, терроризм ва экстремизм, локал ва глобал урушлар хавфи ва ҳоказо. Лекин уларнинг орасида яна бир даҳшатли хавф борки, хатарлилиги жиҳатидан муаллиф уни юқорида зикр этилган барча бало-казолардан кўра хавфлироқ деб билади. Нима учун?

Тасаввур қилинг, бугунги кунда, бордию бирор-бир мамлакат чегарасини кимдир ноқонуний кесиб ўтадиган бўлса, ўша заҳотиёқ сарҳадлар ҳимоясида турган кучлар тегишли чора-тадбирларни кўради — шаклланган самарали система ишга тушади. Мабодо қайсидир давлатнинг осмонида номаълум бир объект пайдо бўлса, уни ҳам бир зумда аниқлаш ва эҳтимол тутилган хавф-хатарни белгиланган тартибда бартараф этиш бўйича амалий чораларни кўрадиган куч ва воситалар мавжуд. Ёки қайси бир давлат ҳудудига ўткир ва юқумли касалликларнинг вируслари кириб келадиган бўлса, уни даф этишнинг ҳам ама-лий усул ва сценарийлари ишлаб чиқилган — тегишли тиббиёт-санитария хизматлари оёққа туриб, бу хатарни бартараф этишга отланади.

Аммо инсоннинг қалбига тубанлик ва ёвузлик уруғини сочадиган, уни маънавий жиҳатдан мажруҳ қиладиган зарарли вируслар кириб келадиган бўлса-чи? Уларни тўхтатиш ва зарур чора-тадбирларни кўришга қодирмизми? Кўзга кўринмайдиган, лекин ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб, тўддириб бўлмайдиган, мислсиз зиёну заҳматлар етказадиган бундай бало-казога қарши тура оладиган мукаммал тизим борми?

Муаллиф келгусида бутун инсониятни нафақат ўйлантирадиган, балки унинг учун ҳақиқий фожиага айланиши мумкин бўлган бу ўткир масалага чуқур мантикий асосда ечим топади: бу хатарга қарши шаклланган тизим бор, бу — инсонга ато этилган, эзгулик сари интилиб яшаш борасида неча минг йиллик тажриба, анъана ва қадриятларни ўзида мужассам этган хусусиятдир.

Муаллиф маънавиятни енгилмас куч деб таърифлайди. Бу жуда ҳаққоний таъриф. Чунки маънавият инсон қалбининг эзгуликка йўғрилган энг покиза туйғуларидан вужудга келади. Эзгуликдан озикланадиган қалб соҳибини эса енгиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам муаллиф одамлар, айниқса ёшларнинг мурғак қалби ва онгида маънавий бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик зарурлиги ҳақида қайғуради, бундай хатарнинг қандай оғир оқибатларга сабаб бўлиши ҳақида ҳар биримизни огоҳлантириб, бамисоли бонг уради.

Энг муҳими, китобда инсонни тушуниш, унга баҳо бериш бўйича ҳам янги қараш ва мезонлар асослаб берилади. Барчамиз яхши биламизки, собиқ совет тузуми даврида инсонга фақат ҳукмрон мафкура кўзи билан баҳо берилар, бу борада унинг маънавий интилиш ва фаразилатлари эътибордан четда қолар эди. У даврнинг қаҳрамонлари асосан «гражданлар уруши қатнашчиси», «қизил командир», «қизил комиссар», «коллективлаштириш кампаниясининг иштирокчиси», «босмачиларга қарши қурашган», «ишлаб чиқариш илгори», «машъал колхоз раиси», «зарбдор бригадир», «олтмиш центнерчи пахтакор»,

Хулоса

Тарих фани турли дунё халклари қандай яшаганлиги, уларнинг ҳаётида қандай воқеалар содир бўлганлиги, одамлар ҳаёти қай тариқа ва нима учун ўзгариб, ҳозирги даразжага қай йўл билан етиб келганлигини ўрганса, Ўзбекистон тарихи эса унинг ажралмас қисми бўлиб, шу тарихий-маданий жараёнларга мос ҳолда Она заминимизда ўтмишда яшаган халкларнинг ҳаёти ва уларнинг ривожланиши давомида содир бўлган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, уларнинг турмуш тарзи, иқтисоди, ижтимоий муносабатлари, давлатчилиги, маданияти ва шу қабиларни тўлалигича ўрганадиган фандир.

Юртбошимизнинг шу ҳақдаги фикрлари катта аҳамиятга эгадир: "Ҳозир Ватанимиз нафакат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупрокдан алломалар, фозилу-фукаралар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари ана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган сув иншоотлари, шу кунгача фойзани, маҳобатини йўқотмаган асори-атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, хунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради".

Президентимиз таъкидлаганларидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

Мустақиллик ўзбек халқига тарихи, маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб ривожлантиришга, миллий ғурур ва миллий тафаккур туйғуларини камол топтиришга замин яратди. Шу билан бир вақтда ўтмиш даврда ўчирилган ва бўяб кўрсатилган тарихимиз саҳифалари, қатағон қурбонлари хотираси ҳам қайта тикланди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозим: бугун Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган "Шаҳидлар хотираси" мажмуаси бир бутун миллий меъморий ечимдаги гўзал хиёбон, замонавий жиҳозланган музей кўринишида

юртдошларимиз ҳамда чет эллик меҳмонлар учун муқаддас зиёратгоҳга айланган.

Юртбошимиз И.А. Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида инсон ўз тарихини билиши унинг юксак маънавиятли инсон эканлигидан далолат беришини эътироф этиб ўтган. Бу асарда “Тарихий хотираси бор инсон иродали инсондир” тамойили чуқур бўлган ва исбот талаб қилиб бўлмас ҳақиқатлиги кўринади. Шу мулоҳазани тўлдириш мақсадида юртбошимиз И. Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида қуйидаги фикрларни мисол қилиб келтирамиз: “Тарихни яхши билмасдан туриб юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Маънавиятни тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга албатта тарихий хотира керак.

Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман менинг аجدодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши тикланиш шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Негаки сўнгги 3 аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чиқмай қолди? Аجدодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай Чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлганмикан?

Тарихий илдизини излаган одам албатта бир кун мана шундай саволларега дуч келади ва аминманки тўғри хулосалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон- иродали инсондир. Такрор айтаман иродали инсондир.

Ким бўлишидан қатъий назар жамиятнинг аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. ”

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан бир вақтда маънавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга етказиш борасида кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда.

Ўз ҳаётимизда маънавий камолотни ривожлантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, аجدодларимизнинг бизгача етиб келган бой маданий меросларини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қадриятлар, урф-одатлар, буюк ота-боболаримизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганиш ва тарғиб этиш учун кенг йўللар очилди. Бу борадаги тадбирлар мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширила бошлади.

Маданий-маърифий ишларнинг ривожланиши учун давлат томонидан катта маблағлар ажратилди. Ўзбекистондаги барча давлат театрлари, маданият уйлари, санъат олий ўқув юртлири, фольклор-этнографик гуруҳлар маданият ўчоқларига айланиб қолди. Театр сахналарида янги замонавий спектакллар қўйила бошланди. МДХдаги давлатлар билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди, турли халқаро анжуманлар ўтказилди.

1991 йили буюк аллома, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий юбилейини ўтказиш катта воқеа бўлди. Бу тантанага бағишланиб Республикамизда шоирнинг асарлари нашрдан чиқарилди. 1994 йил Мирзо Улуғбек таваллуд топган куннинг 600 йиллиги кенг кўламда, жаҳон миқёсида нишонланди. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юбилейга бағишланган ҳафталик ва унга кўргазма очилди.

Мустақиллик йилларида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги бўлиб ўтди. ЮНЕСКО томонидан 1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилинди. Шу йили ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Темурийлар даври, фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» мавзуида анжуман ва унга бағишланган кўргазма очилди.

Мамлакатимизда «Темурийлар тарихи давлат» музейи, Амир Темур номи берилган боғлар, кўчалар барпо этилди.

Республикамизда бизгача етиб келган бой меросларни ўрганиш, миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда ва уларга нисбатан халқимиз томонидан чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Сўнгги йилларда ташкил этилган «Олтин мерос» жамғармаси, Абдулла Қодирий номидаги «Мерос» нашриётлари кенг миқёсда маънавий-маърифий ишларни олиб бормоқда.

Ислом оламининг алломалари Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Боҳовуддин Нақшбандийнинг 675 йиллиги кенг кўламда нишонланди. Уларнинг бой асарлари нашрдан чиқарилди.

Маънавий ҳаётни такомиллаштириш борасида 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маънавий қадриятларни ўрганиш ва уни такомиллаштириш борасида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказини тузиш ҳақида фармон эълон қилинди. Марказ томонидан Имом ал Бухорийнинг юбилейига бағишлаб, Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган «Аль-Жомеъ, ас-Саҳиҳ» (Ишонарли тўплам), «Ал-адаб вал муфрад» (Адаб дурдоналари) ўзбек тилига таржима қилиниб, нашрдан чиқарилди.

1998 йили Имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Юбилейлар муносабати билан алломалар ҳаётига бағишланган илмий анжуманлар ва бадиий кўргазмалар очилди.

Маънавий мероснинг тикланиши унинг бир бўлаги бўлган диний қадриятларга ҳам эътиборни кучайтирди. 1992 йил Президент фармони билан Рамазон ва Қурбон ҳайит кунлари умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

«Мовароуннаҳр» диний бошқармасининг ҳам фаолияти Республикамиз ҳаётида ўз ўрнини эгаллади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларидан орқада қолаётган илмий тадқиқот институтлари

тугатилади. Турмуш тақозо этган янги институтлар очилди. Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 3 апрелидаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ФАнинг янги Низоми тасдиқланди.

Ўзбек олимларининг фан-техника соҳасидаги ютуқлари нафақат Ўзбекистон балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам тан олина бошланди ва кўчилик олимларимиз давлатимиз мукофотларига сазовор бўлдилар ва хорижий давлатлар академияларига ҳақиқий ҳамда фахрий аъзолигига сайландилар. Ўзбекистон Республикасининг Фанлар Академияси ал-Хоразмий номидаги, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги олтин медалларни таъсис этди.

Мустақиллик ўзбек бадиий адабиёти ривожига, адабиётшунослик фани таракқиётида ҳам янги босқични бошлаб берди. Асарлари зарарли, ўзлари миллатчи деб ноҳақ қораланган Чўлпон, Отажон Ҳошим, Мунаввар Қори сингари миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди ҳолисона ўрганила бошланди. Уларнинг асарлари чоп этилди, сахна юзини кўрди.

Хулоса қилиб айтганда мустақиллик миллий ўзликни англаш даври бўлди. Бу жараён бугунги кунда миллий маданиятимиз ва умуминсоний қадриятларнинг ўзига хос кўриниши сифатида номоён бўлмоқда.

Бу жараёнга Президент И.А.Каримов бевосита бош-қош бўлдилар. Тарихий хотира ва меросни тиклашда Президент И.А.Каримов асарлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Тавсиялар

1. Президент И.А.Каримов асарларининг маънавий тарихий аҳамиятини талабаларга етказиш бўйича дарсларда алоҳида эътибор қаратиш керак;
2. Барча йўналишларда, айниқса, ижтимоий-гуманитар йўналишларида Президент асарларини ўрганиш бўйича тегишли соҳа вакиллари, тадқиқотчилар, олимлар билан

биргаликда давра суҳбатлари ва дебатлар уюштириш лозим.

3. Президент И.А.Каримов асарларида тарихий хотира ва маънавий меросни тиклаш масалалари ёритилиши ва унинг кундалик ҳаётимизда акс этиши бўйича матбуотда чиқишлар қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т., Ўзбекистон, 1996. - 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -382 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999. - 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т.9. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.

10.Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак: Т.Ю. -Т.10.: Ўзбекистон, 2002. - 430 б.

11.Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли: Т.П. -Т.11.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.

12.Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ: Т.12. -Т.:Ўзбекистон, 2004. - 400 б.

13.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди: Т.13. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -448 б.

14.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият.Т.14. -Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.

15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. -Т.: Ўзбекистон, 2007. - 320 б.

16.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон.

2. КИТОБЛАР ВА РИСОЛАЛАР

1. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ). -Т.: Ўзбекистон, 1992

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида 1992 йил 8 ва 10 декабрда сўзланган нутқ). -Т.: Ўзбекистон, 1993.

4. Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. («Комсомольская

правда» газетаси мухбири саволларига жавоблар, 1993 йил 12 февраль). -Т.: Ўзбекистон, 1993.

5. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида сўзланган нутқ. 1993 йил 6-7 май). -Т.: Ўзбекистон, 1993.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўгишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993.

7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин! («Туркистон» саройи очилиши маросимида сўзланган нутқ. 1993 йил 3 сентябрь). -Т.: Ўзбекистон, 1994.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон - мустақил тараққиёт йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1994.

9. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994

10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль). -Т.: Ўзбекистон, 1995.

11. Каримов И.А. Туркистон - умумий уйимиз. -Т.: Ўзбекистон, 1995.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

13. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1998.

14. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Шарқ, 1998.

15. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.

16. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.

17. Каримов И.А. Ватан озодлиги - олий саодат. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маъруза. 1999 йил 19 август). -Т.: Ўзбекистон, 1999.

18. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
19. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2005.
20. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
21. Каримов И.А. «Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш». - Т.:Ўзбекистон, 2009.
22. .“Маънавият-жамият тараққиётининг бош мезони” мавзусидаги Республика илмий -амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент. 2011
- 23.. Халқ сўзи
24. Мўминов И.Амир Темурнинг Ўта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т. Фан. 1993.
25. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т. Шарқ. 2000.
- 26.Амир Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т. Ўқитувчи. 1996.
- 27.Шарафуддин Али Яздий. Шарқ. 1997.
- 28.Низомиддин Шомий. Зафарнома.Т. Ўзбекистон. 1996.
- 29.Л.Керен, А.Саидов. Амир Темур ва Франция. Т. Адолат. 1996.

Интернет сайтлари:

1. www.lex.uz
2. www.google.com
3. www.gov.uz
4. www.lib.uz